جديد

Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

2026-yil 17-iyul
№ 29 (133)
www.jadid.uz

adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

@Jadidrasmiy @Jadidmediauz @Jadidrasmiy @Jadid_uz

ХОРИЖДАН ХАТ

ПАРИЖДАГИ МЕРОСИМИЗ

Айни кунларда Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси профессори, филология фанлари доктори Афтондил Эркинов Францияда илмий тадқиқот олиб бормоқда. У Париж шаҳрида жойлашган Инсоншунослик фанлари фондининг “Таклиф этилган профессор” дастури стипендиясини қўлга киритган. Ҳурматли олимимизнинг хориждан йўллаган мақоласи муштарийларимизни беэътибор қолдирмайди, деб ишонамиз.

ТАҲРИРИЯТ

(Давоми 5-саҳифада).

ЕТТИКУН

ГЛОБАЛ ДИПЛОМАТИЯ, ИНДУСТРИАЛ ЮКСАЛИШ, ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА ИНСОНИЙЛИК

Якунига етаётган ҳафта Янги Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида ўта муҳим, стратегик аҳамиятга эга ва миллионлаб инсонлар ҳаётига дахлдор бўлган тарихий воқеаларга бой бўлди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг иш графиги жуда тиғиз ва кенг қамровли кечди: оғир саноатда янги даврни бошлаб берган Бекобод ташрифи, шарқона қадриятлар ва олий даражадаги дўстлик рамзи бўлган Қатар сафари, кексалар фаровонлигини таъминловчи инқилобий пенсия ислоҳотлари тақдимоти ҳамда Европанинг энг ривожланган марказларидан бири – Италиянинг Тоскана вилояти делегацияси билан музокаралар.

Ушбу воқеалар занжири мамлакатимизда иқтисодий қудратни ошириш, прагматик ташқи сиёсат юритиш ва “инсон қадри учун” тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этиш борасидаги ислоҳотлар мутлақо янги босқичга чиққанини намойиш этди.

ОҒИР САНОАТДАГИ ТЕХНОЛОГИК ИНҚИЛОБ ВА ХАЛҚҚА ЕНГИЛЛИК

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент вилояти Бекобод шаҳрига ташрифи мамлакатимизнинг саноат мустақиллигини таъминлаш йўлидаги улуғвор қадам бўлди.

Энг замонавий технологиялар ва оғир саноатни ривожлантириш орқали иқтисодий қудратни мустаҳкамлаш ҳамда ушбу бойликни оддий одамлар ҳаётини яхшилашга йўналтириш доимий равишда Давлатимиз раҳбарининг эътиборида.

Президент шаҳарга янги замонавий электропоездда келди. 192 километрлик ушбу йўналиш йилига 300 минг йўловчига хизмат кўрсатади.

Вагонлардаги юксак қулайликлар (Wi-Fi, кондиционер, ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус кўтаргичлар) аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилди. Бу экологик тоза транспорт улушини ошириш ва автомобиль йўлларидаги тирбандликни камайтиришга хизмат қилади.

“Ўзметкомбинат” АЖда қиймати 839 миллион долларлик Қуюв-прокатлаш мажмуасининг ишга туширилиши Ўзбекистон металлургияси тарихида янги даврни бошлаб берди.

(Давоми 2-саҳифада).

МУНОСАБАТ

КЎЗГА КЎРИНМАС ХАВФ

ёхуд бугун далада қолдирган пластигимиз эртага дастурхонимизга қайтиши ҳақида

Деҳқон ва фермер учун ер – жон, сув – қон, ҳосил – рўзғор. Биз бутун умримизни далада ўтказамиз, ундан нон, пахта, мева ва сабзавот оламиз, оиламизни боқамиз, юртимизни таъминлаймиз. Ерга меҳримиз шунчалик кучлики, унинг ҳар бир қаричини кафтимиздек таниймиз. Аммо дунё илми ана шу азиз тупроғимизга, сувимизга ва дастурхонимизга кўзга кўринмас янги бир хавф аста-секин кириб келаётганидан огоҳлантирмоқда. Бу хавфнинг номи – микропластик.

Бугун шу мавзуни ҳар бир фермер тушунадиган тилда очиб бермоқчиман. Чунки ечим фақат катта шаҳарлардаги лабораторияларда эмас, балки бизнинг даламизда, ҳар бир деҳқоннинг кундалик қароридан ҳам бошланади.

МИКРОПЛАСТИК НИМА ЎЗИ?

Пластик ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, усиз бир кунни тасаввур қилиш қийин. Полиэтилен пакет, суғориш лентаси, мулча плёнкаси, ўғит қопи, пластик идиш, кимёвий восита қутиси – булар далада ҳам, ҳовлимизда ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Пластикнинг энг катта муаммоси шундаки, унинг аксар турлари табиий моддалар каби тез чириб, йўқолиб кетмайди. Қуёш нури, иссиқ ва совуқ, шамол, ишқаланиш ҳамда ерга ишлов бериш таъсирида йирик пластик аста-секин майда бўлакларга парчаланади.

Беш миллиметрдан кичик пластик зарралар одатда микропластик деб аталади. Бир микрометрдан кичик ўта майда зарралар эса кўпинча нанопластик деб юритилади, гарчи бу ўлчам чегаралари бўйича халқаро илм-фанда ҳали тўлиқ ягона стандарт мавжуд бўлмаса ҳам.

(Давоми 3-саҳифада).

ФАКТ

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида маҳаллаларга янги муҳит олиб кириш ҳамда “маҳалла еттилиги” фаолиятини янгича ташкил қилиш бўйича устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**
- **Дунёдаги энг йирик олтин қазиб олувчи корхоналарнинг янги рейтингида Мурунтов кони иккинчи, Олмалиқ кон-металлургия комбинати бешинчи ўриндан жой олди.**
- **Ўзбекистон терма жамоаси 56-Халқаро физика олимпиадасида (IPhO 2026) муносиб иштирок этиб, тарихда илк бор 2 та кумуш ва 2 та бронза медалини қўлга киритди.**
- **Марказий банк ҳузурида Исломий молия кенгаши ташкил этилди.**

ЁРУҒ ХОТИРАЛАР

БИР ОИЛА ТАРИХИ

Сўлим Фарғонанинг мунис бағрида
Бор олти ариқдан сув ичган қишлоқ.
Унда
Чорак аср мендан нарида
Болалигим чопар тўзғитиб тупроқ...

Эркин ВОҲИДОВ

Ака – суянчиқ, тиргак, маслакдош, шу билан бирга, тўғри йўлни кўрсатувчи шамчироқ. Халқимизнинг ардоқли фарзанди Эркин Воҳидов амакимнинг ўғли, қадрдон акам эди.

Ҳар бир оиланинг тарихи, ўзига хос сир-асрори бўлади. Воҳидовлар оиласининг ҳам ўз тарихи бор. Абдувоҳид бобомизнинг олти фарзанди бўлган. Хусусан, қизлари – Солияхон, Ўғилой, Лутфихон ва ўғиллари – Ғафуржон, Чўянбой, Ҳомиджон. Аммаларимнинг туғилган саналарини билмайман. Ғафуржон опоқдадам 1900 йилда туғилиб, 1958 йилда вафот этган. Эсимда қолгани, у киши касал бўлганида дадам уйга олиб келиб, парвариш қилган, вафот этганида мен 12 яшар эдим. Аммаларимнинг ўғил-қизлари оламдан ўтганига ҳам анча бўлди.

Дадам Ҳомиджон ака 1917 йилда таваллуд топган. 1939 йилда оила қурган. Аям келин бўлиб тушганида 15 ёшда бўлган. Эркин акам уч ёшли бола бўлган. Тўйдан уч ой ўтиб дадам армияга кетган. Аям бирор ишни қилмоқчи бўлса, Эркин аканинг онаси Розия аямга: “Келинойи, сиз ҳамма нарсани биласиз. Мана бу нарсани қандай қилсам бўлар экан-а...”, деб доим маслаҳат сўраркан.

(Давоми 5-саҳифада).

САФАРДАН СЎНГ

ТУРКИЙ ДУНЁ КУТУБХОНАЛАРИ БИРЛАШМОҚДА

Бундан роппа-роса бир аср аввал Боку шаҳрида туркий дунёнинг 131 нафар фидойи зиёлисини бир даврага жамлаган илк тарихий Туркология қурултойи бўлиб ўтган эди. Орадан юз йил ўтиб, бу ерда “Туркий дунё ҳафталиги” юқори савияда ташкил этилди. Дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатидан келган юздан зиёд олим ва туркологларни бирлаштирган халқаро анжуманнинг очилиш маросими ҳақиқий маърифат байрамига айланди. Унда иштирок этиш бир зиёли сифатида камина ходимингизга ҳам қувонч бағишлади.

(Давоми 2-саҳифада).

ВАТАН МАНЗУМАСИ

АМУДАРЁ ҚИЗИ

Сарвиноз АЙТМУРАТОВА,
“Келажак бунёдкори” медали соҳибаси,
Зомин семинари иштирокчиси

Ҳей, ўзгача олам, Амунинг қизи,
Қўшиқ куйлаб, сени ёд этгим келди.
Бошқа бойлигим йўқ. Қаламим, сўзим...
Байрамда табриклаб, шод этгим келди.

Дийдоринг эслатар Аму соҳили,
Болалик. Тошлоқ йўл. Қумлар ёдимда...
Тўлқинларга кўз-кўз қилиб кокилин,
Бир қиз чопиб юрар менинг ёнимда.

Қушлар бор, булут бор, у эмас ёлғиз,
Гулчамбарлар тақиб ўйнайди хушвақт.
Қара, одамларсиз, машиналарсиз,
Соҳилда юргани – унинг учун бахт.

Зерикса, дарахтдан бир новда узиб,
Қум юзига сурат чиза бошлайди.
Қара, танидингми, Амунинг қизи,
Шу қиз менга ўхшар, сенга ўхшайди.

Қалбингни ёритсин муҳаббат тонги,
Гуллардан поёндоз тўшар баҳоринг.
Ўқиган севимли китобингдаги
Энг яхши қаҳрамон бўлади ёринг.

Муҳаббат тилайман ёмғирдай тоза,
Кўнглингга тушмасин ёлғоннинг изи.
Ўйнаб-кулиб яша, бахтиёр яша,
Умринг нурли бўлсин, Амунинг қизи!

Қорақалпоқ тилидан Рустам Мусурмон таржимаси

ГЛОБАЛ ДИПЛОМАТИЯ, ИНДУСТРИАЛ ЮКСАЛИШ, ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА ИНСОНИЙЛИК

Бошланиши 1-саҳифада.

Президент Бекободдаги “Хос ёз” канали бўйида ва “Дўстлик” маҳалласида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди, нуронийлар ва ёшлар билан суҳбатлашди: **“Одамлар ўз маҳалласида, шаҳрида кечаётган ўзгаришларни ҳис қилиши, уларнинг самарасини кундалик ҳаётида кўриши керак”,** – дея таъкидлади Давлатимиз раҳбари.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОСКАНА ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Тарих чархпалаги шундай айланадики, баъзан асрлар оша маданият ва илм-фан марказлари бўлган юртлар янги даврда мутлақо янгича ва прагматик мазмунда қайта топишади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Италиянинг Тоскана вилояти губернатори Эуженио Жани бошчилигидаги делегацияни қабул қилгани айнан шундай тарихий ва иқтисодий аҳамиятга эга воқелик бўлди.

Ушбу учрашув Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янги босқичга – тўғридан-тўғри ҳудудлараро ҳамкорлик босқичига олиб чиқди. Ўзбекистон ва Тосканани шунчаки бугунги иқтисодий қизиқишлар эмас, балки кўп асрлик тарихий ва маданий ришталар боғлаб туради. Буюк Ипак йўли гуллаган даврларда жаҳон маданияти ва санъатининг бешиги бўлган Флоренция билан Мовароуннаҳрнинг қадимий шаҳарлари ўртасида фаол савдо ва элчилик алоқалари йўлга қўйилган.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, флоренциялик савдогарлар ва элчилар Соҳибқирон Амир Темур саройида юксак эҳтиром билан қабул қилинган.

Бугун – орадан асрлар ўтиб, ушбу тарихий дўстлик ва ишонч замонавий иқтисодий ва технологик шериклик кўринишида янгидан куч олмоқда.

Тоскана Италиянинг энг иқтисодий ривожланган, бой ва нуфузли ҳудудларидан бири ҳисобланади. Ушбу вилоят кучли саноат салоҳияти, юқори технологияли ишлаб чиқариш, замонавий қишлоқ хўжалиги, жаҳонга машҳур виночилик ва туризм индустриясига эга. Вилоят маркази Флоренция эса инсоният тамаддунида туб бурилиш ясаган Уйғониш (Ренессанс) даврининг умумэътироф этилган марказидир.

Тоскана билан ҳамкорлик бир қатор устувор йўналишларда катта истиқболларни ваъда қилмоқда. Тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ва заргарлик саноати, замонавий шаҳарсозлик ва муҳандислик ечимлари, Тоскананинг узумчилик, виночилик ва озиқ-овқатни қайта ишлаш бўйича илғор тажрибасини Ўзбекистонга олиб кириш шулар жумласидандир.

Президент Шавкат Мирзиёев ва губернатор Эуженио Жани ўртасида бўлиб ўтган самимий ва сермаҳсул мулоқот якунида ўта муҳим келишувга эришилди. Томонлар яқин истиқболда Тоскана вилояти ва Ўзбекистон ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга қаратилган янги аниқ инвестициявий лойиҳалар ва ташаббусларни қамраб олувчи қўшма “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга аҳдлашдилар.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш йўлидаги ислоҳотлар Италиянинг Уйғониш даври бешиги бўлган Тоскананинг бой саноат, технологик ва маданий тажрибаси билан бирлашмоқда. Бу ҳамкорлик яқин йилларда юртимизга янги инновациялар, сифатли таълим, замонавий заргарлик ва енгил саноат технологиялари ҳамда миллионлаб евролик истиқболли инвестицияларни олиб келиши шубҳасиздир.

МУНОСИБ КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ

Ҳар бир давлатнинг ижтимоий сиёсати, унинг фуқароларига бўлган ғамхўрлиги ва инсон қадри тамойилига содиқлиги кексалик нафақаси тизимида яққол намоён бўлади. Муносиб кексалик ва барқарор келажакни таъминлаш – Янги Ўзбекистон ислоҳотларининг энг устувор йўналишларидан биридир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг пенсия тизимини ислоҳ қилиш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишгани ушбу соҳада янги, тизимли ва технологик давр бошланаётганидан далолат беради. Таклиф этилаётган ўзгаришлар нафақат миллионлаб пенсионерларнинг турмуш даражасини оширади, балки мамлакат иқтисодиёти учун улкан молиявий ресурслар манбаини яратади.

Охирги ўн йил ичида Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимида улкан масофа босиб ўтилди. Мамлакатимизда ўртача ва энг кам пенсия миқдорлари изчил ошириб борилди. 2021 йилгача бўлган даврда 1,1 миллион нафар фуқаронинг ойлик нафақаси атиги 400 минг сўмдан кам бўлган. Бугунги кунга келиб, энг кам пенсия миқдори 878 минг сўмга етказилди. Мазкур кўрсаткич мамлакатда белгиланган минимал истеъмол харажатларидан сезиларли даражада юқоридир. Ушбу қадам давлатнинг энг заиф қатламларни камбағаллик чегарасидан олиб чиқиш борасидаги қатъий қадамини кўрсатади.

Аввалари тизимдаги баъзи чекланишлар фуқароларнинг ҳаққоний ва юқори пенсия олишига тўсқинлик қилар эди. Масалан, пенсия охирги 10 йиллик меҳнат фаолиятининг исталган 5 йиллик иш ҳақидан ҳисобланар ва иш ҳақининг фақат 6 миллион сўмгача бўлган қисми инобатга олинар эди.

Ушбу тизим кўп йил ҳалол меҳнат қилиб, юқори маош олганларнинг нафақаси пасайиб кетишига сабаб бўлган.

Эндиликда тизим тубдан адолатлилик тамойили асосида ўзгартирилади.

Масалан, пенсия ҳисобланадиган иш ҳақи даври 5 йилдан 20 йилгача узайтирилади. Бунда фуқаронинг паст даромад олган ёки ишламаган айрим даврлари ҳисоб-китобдан чиқариб ташланади. Бу бутун умр давомидаги меҳнат стажини тўғри баҳолаш имконини беради. 2027 йилдан бошлаб пенсия ҳисоблашда инобатга олинадиган иш ҳақининг энг юқори чегараси ҳозирги 6 миллион сўмдан 6,6 миллион сўмга оширилади. Натижада ушбу янги тартиб асосида пенсияга чиқадиган фуқароларнинг нафақа миқдори ўртача 8 фоизга ошиши кутилмоқда.

Бу ислоҳотлар келажак авлодлар учун мустаҳкам ва адолатли ижтимоий пойдевор бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.



ДЎСТЛИК ВА ИШОНЧ КЎПРИГИ

Шарқ дипломатияси ва қадриятларида бир олтин қоида бор: чин дўстлик ва биродарлик нафақат қувончли кунларда, балки бошга синовли дамлар тушганда, қайғули онларда яққол намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қатар Давлати собиқ Амири Шайх Ҳамад бин Халифа Ол Сонийнинг вафоти муносабати билан таъзия билдириш учун ушбу мамлакатга амалга оширган ташрифи нафақат юксак инсоний фазилатлар, балки икки давлат ўртасидаги олий даражадаги ишонч ва яқинликнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев Қатар Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийга отаси – собиқ Амир Шайх Ҳамад бин Халифа Ол Сонийнинг вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирар экан, ушбу сиёсий арбобнинг тарихий хизматларини алоҳида эътироф этди.

Энг муҳими, собиқ Амир Ўзбекистон ва Қатар ўртасидаги яқин дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорлик пойдеворини қуришга беқиёс ҳисса қўшган эди.

Шавкат Мирзиёевнинг ушбу тарихий шахс хотирасига кўрсатган юксак эҳтироми Қатар халқи ва раҳбарияти томонидан жуда илиқ ва самимий қабул қилинди.

Учрашувда Давлатимиз раҳбари Қатарнинг бугунги кунда нафақат Яқин Шарқда, балки бутун дунёда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашдаги муҳим воситачилик ролини алоҳида қайд этди. Бугунги кунда халқаро майдонда салмоқли кучга ва нуфузга эга “Доҳа овози” пайдо бўлгани эътироф этилди.

Ўзбекистон Президентининг Қатарга амалий ташрифи ва таъзия учрашуви икки давлат ўртасидаги алоқалар шунчаки қуруқ дипломатик манфаатлардан кўра чин самимият, Шарқона биродарлик, чуқур тарихий ҳурмат ва стратегик шерикликка асосланганини бутун дунёга кўрсатди.

Иқбол МИРЗО

ТУРКИЙ ДУНЁ КУТУБХОНАЛАРИ БИРЛАШМОҚДА

Бошланиши 1-саҳифада.

Биз учун энг ҳаяжонлиси – Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Биринчи Туркология қурултойининг 100 йиллиги муносабати билан йўллаган қутлов мурожаати ўқиб эшиттирилган дақиқалар бўлди. Президентимиз туркий давлатларнинг етакчи илмий марказларини бирлаштирган ҳолда, “Туркий дунё маърифатпарварлари” халқаро илмий-энциклопедик лойиҳасини яратиш ҳамда жадид ҳаракати намояндаларининг барча асарлари ва архив ҳужжатларини ўз ичига олган Ягона рақамли кутубхона шакллантириш ташаббусини илгари сурди.

Халқаро анжуман дастуридан йигирмадан зиёд ранг-баранг тадбирлар ўрин олган бўлиб, улар доирасида соҳавий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Жумладан, Озарбайжон Миллий Илмлар академияси Миллий кутубхонасида “Туркий дунё миллий кутубхоналари” жамоат бирлашмасининг илк йиғилиши ўтказилди ҳамда “Биринчи Туркология қурултойи. Стенографик ҳисобот” ва “Биринчи Туркология қурултойи. Библиография” нашрларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Кутубхонадаги тадбирлар аввалида XX аср туркология тафаккури тарихидаги энг муҳим ҳодисалардан бири ҳисобланган Биринчи Туркология қурултойи қатнашчиларининг хотираси бир дақиқалик сукут билан ёд этилди. Сўнг “Умумий мерос, бой хазина: Миллий кутубхонанинг олтин фондидан” номли китоб кўргазмаси меҳмонлар эътиборига ҳавола қилинди.

Озарбайжон Миллий кутубхонаси директори, профессор Карим Тахиров кўргазманинг очилиш маросимида Биринчи Туркология қурултойи туркий халқларнинг тили, маданий мероси ва илмий ҳамкорлик истиқболларини белгилаб берган олимларни бирлаштиргани, уларнинг ғоялари бугунги кунда ҳам долзарб аҳамиятга эга эканини алоҳида қайд этди. Озарбайжондаги Отатурк маркази директори, академик Низомий Жаъфаров ушбу тарихий анжуманнинг 100 йиллиги юқори даражада ташкил этилганини эътироф этди. Озарбайжон Миллий Мажлисининг Фан ва таълим қўмитаси раиси, профессор Анар

Искандаров ўз чиқишида саккиз кун давом этган ўша тарихий анжуман туркий дунёдаги фикр ва ғоялар ривожига, илмий-маданий интеграция жараёнларига улкан таъсир кўрсатганини таъкидлади.

Тадбирда “Биринчи Туркология қурултойи. Стенографик ҳисобот” нашрини тайёрлашда иштирок этган олимлар, таржимон ва мутахассислар гуруҳининг машаққатли меҳнати юқори баҳоланди. Шу билан бирга, архивдаги аудиоёзувларни тинглашдаги техник мураккабликлар сабабли рус тилидан озарбайжон тилига ўгирилган дастлабки таржима матни устида ишларни яна давом эттириш, кейинги нашрларга пухта тайёргарлик кўриш зарурлиги қайд этилди. “Биринчи Туркология қурултойи” электрон маълумотлар базаси ҳам кенг жамоатчиликка тақдим этилди.

Тақдимоти ўтказилган “Биринчи туркология қурултойи. Библиография” нашрини яратиш ишлари анча аввал бошланган бўлиб, тўпламни тузишда кўплаб халқаро ҳамкорларга мурожаат хатлари юборилгани ва кенг кўламли изланишлар натижасида 1890 та манбанинг библиографик ёзуви жамлангани маълум қилинди. Ушбу библиографиянинг эътиборли жиҳатларидан бири, тадқиқотчилар учун қулайлик яратиш мақсадида махсус ёрдамчи кўрсаткичлар билан таъминланганида кўринади. Ҳамкорлик қилган мамлакатлар, шунингдек, муаллиф ва таржимонларнинг алифбо тартибидаги кўрсаткичлари шулар жумласидандир.

Мазкур нашрнинг 289-293-саҳифаларидан Ўзбекистонда мавзуга оид чоп этилган китоблар ҳамда вақтли матбуотда эълон қилинган мақолаларнинг йиллар ва тиллар кесимидаги тизимли рўйхати ўрин олган. Ушбу нуфузли манбани тайёрлашда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси библиографларининг иштироки алоҳида эътирофга сазовор бўлди. Анжуманда сўзга чиққан Озарбайжон Республикаси маданият вазирининг ўринбосари Саодат Юсифова ушбу қимматли манбаларни яратишга ҳисса қўшган ҳамкорларга миннатдорлик билдирди. Боку давлат университети ректори Элчин Бобоев университетнинг Миллий кутубхона билан йўлга қўйилган муваффақиятли ҳамкорлиги бундан кейин ҳам изчил қўллаб-қувватланишини маълум қилди.

Ташриф доирасида Озарбайжон Миллий кутубхонаси бўйлаб махсус экскурсия ташкил этилди. Юртимиздан борган таниқли олимлар Ҳамидулла Болтабоев ва Иномжон Азимов билан бирга кутубхонанинг “Ўзбекистон” бурчагига бой мазмундаги китоб ва журналлар тўпламини ҳадя қилдик. Тадбир давомида олимларимиз томонидан миллий кутубхоналар ўртасидаги бундай изчил ҳамкорлик ва рақамли ҳамжиҳатлик қардош мамлакатларда кўплаб истиқболли илмий тадқиқотларни амалга оширишда, умумий тарихий меросни чуқур ўрганишда муҳим омил бўлиши алоҳида қайд этилди.

Анжуман давомида Озарбайжон Миллий Илмлар академияси президенти, академик Исо Ҳабиббейли “Туркий дунё миллий кутубхоналари” жамоат бирлашмасининг ташкил этилиши 1926 йил Биринчи Туркология қурултойи белгилаб берган мақсад ва тамойилларни келажакда уюшқоқлик билан давом эттириш учун муҳим майдон бўлишини таъкидлади.

Куннинг иккинчи ярмида “Туркий дунё миллий кутубхоналари” жамоат бирлашмасининг илк йиғилиши ўтказилди. Унда Озарбайжон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Туркия, Шимолий Кипр ва Венгрия Миллий кутубхоналари директорлари иштирок этди. Профессор Карим Тахиров бундан икки йил аввал пойдевори қўйилган уюшмани эндиликда халқаро ташкилот сифатида расмий рўйхатдан ўтказиш ҳамда бошқа туркий давлатларни ҳам унга жалб этиш бош вазифа эканини айтиб ўтди.

Бугун туркий давлатлар дунё майдонида нуфузли кучга айланиб бораётган бир даврда, кутубхоналар ўртасидаги ҳамкорлик ҳам янги босқичга чиқмоқда. Йиғилишда Туркия Миллий кутубхонаси директори Танер Бейоғлу, Қозоғистон Академик миллий кутубхонаси директори Кумис Сеитова, Қирғизистон Миллий кутубхонаси директори Элдар Аттокуров ва Ўзбекистон томонидан камина ҳозирги шиддатли ва таҳликали замонда кутубхоналар интеграцияси ўта муҳим ҳамда долзарб аҳамиятга эга эканини якдил қўллаб-қувватладик. Биз “Туркий дунё рақамли кутубхонаси”ни ишга тушириш, “Туркий дунё миллий кутубхоналари” жамоат бирлашмасининг расмий сайтини яратиш, кутубхоначилар учун тажриба алмашув ва малака ошириш мақсадида таълим дастурларини йўлга қўйиш, туркий тиллар учун сунъий интеллект, OCR ва автоматик таржима технологияларини ҳамкорликда ривожлантириш таклифларини илгари сурдик.

Йиғилишда барча таклифлар умумлаштирилиб, тузилманинг 2026-2027 йиллар учун ҳаракатлар режаси белгилаб олинди ва унинг ташкилий фаолиятини кучайтириш бўйича муҳим қарорлар қабул қилинди. Бир сўз билан айтганда,

Умида ТЕШАБОЕВА,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори

касбий учрашув туркий давлатлар миллий кутубхоналари ўртасида самарали ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун муҳим пойдевор бўлди.

Анжуманнинг маданий дастури ҳам унутилмас лаҳзаларга бой ўтди. Ҳафта давомида туркий дунё меҳмонлари учун Боку сайрғоҳида катта тантанали концерт уюштирилиб, унда Ўзбекистон санъаткорлари ҳам ўз чиқишлари билан дастурга файз бағишлади. Боку гўзаллиги одамни ҳамиша мафтун этади. Айниқса, дунёдаги илк инклюзив музей экспонатлари – Брайл алифбосидаги маълумотлар билан таъминланган Озарбайжон миллий гилам музейи, Озарбайжон миллий тарихи музейи, “Қиз қалъаси” ва Эски шаҳар таассуротлари ўзгача бўлди.

Бундан бир аср муқаддам Боку заминида бошланган маърифат ва бирлик ҳаракати қатнашчиларининг орзу-армонлари бесамар кетмаганини шу кунларда яққол ҳис қилдик. Йўқотилган имкониятлар, қатағон қилинган улуғ боболаримизнинг хотираси бугун кутубхоналар ва илм-фан оламида куч олаётган янги ҳамкорлик нафаси билан қайта тирилмоқда, десак муболаға бўлмайди. Биринчи Туркология қурултойи ўз даврида миллий ўзликни англаш йўлида туб бурилиш ясаган бўлса, юз йилдан сўнг ўтказилган маърифат байрами янги асрда туркий дунёнинг нафақат маданий-илмий, балки маънавий ва стратегик жиҳатдан ҳам мустаҳкам бирликка айланиб бораётганини кўрсатди. Китоб ва эзгу амал бирлаштирган миллатларнинг келажаги ҳамиша нурафшондир. Бу улуғвор йўлда эса кутубхоналаримиз асрларни асрларга боғловчи олтин кўприк бўлиб хизмат қилаверади.

КЎЗГА КЎРИНМАС ХАВФ

ёхуд бугун далада қолдирган пластигимиз эртага дастурхонимизга қайтиши ҳақида

Бошланиши 1-саҳифада.

Оддий қилиб айтганда, далада ташлаб кетилган бир парча плёнка ҳеч қаёққа йўқолмайди: у кўзга кўринмас минг-минглаб зарраларга бўлиниб, тупроқ ва сувда узоқ сақланиши, кейин эса озиқ-овқат тизимига кириб бориши мумкин.

ДАЛАДА ҚОЛГАН ПЛАСТИК ҚАЁҚҚА КЕТАДИ?

Кўп фермерда бир хотиржамлик бор: “майдонни йиғиштирдим, чиқиндини четга суриб қўйдим – дала тоза”. Аслида эса қишлоқ хўжалиги ерида қолган пластик бир нечта ўзаро боғлиқ йўлдан ҳаракат қилади ва ҳар бири охир-оқибат яна инсонга қайтиши мумкин.

Биринчи йўл – тупроқ. Далада қолган плёнка, лента ва пакет бўлаклари ерга ишлов бериш пайтида тупроқ билан аралашади, чуқурга кириб кетади ва йиллар давомида янада майдаланади. Қишлоқ хўжалиги тупроқлари пластик ифлосланишининг муҳим тўпланиш жойларидан бирига айланмоқда. Зарраларнинг тури, ўлчами ва миқдорига қараб, улар тупроқ тузилиши, ғоваклиги, ҳаво ва сув ҳаракатига, шунингдек, унумдорликни таъминлайдиган фойдали организмлар ҳаётига таъсир қилиши мумкин.

Иккинчи йўл – сув. Майда пластик бўлаклари ариқ, коллектор, дренаж ва суғориш суви орқали бир даладан иккинчисига, ундан дарё, кўл ва ер ости сувларига тарқалиши мумкин. Демак, бугун сизнинг далангизда қолган бир парча пластик эртага қўшни майдонга, кейин эса бутун сув тизимига етиб бориши эҳтимолдан холи эмас. Ҳеч бир хўжалик бошқалардан бутунлай ажралиб, дахлсиз бўлолмайди.

Учинчи йўл, энг ташвишлиси – ўсимлик ва озиқ-овқат занжири. Тажриба тадқиқотлари жуда майда зарралар, айниқса нанопластиклар, муайян шароитларда ўсимликка илдиз ёки барг орқали кириб, бошқа тўқималарга ўтиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Йириккроқ микропластиклар эса тупроқ ҳолати, сув ва озуқа моддаларининг ўзлаштирилишига таъсир қилиб, ўсимликка билвосита зарар етказиши мумкин. Реал дала шароитидаги далиллар ҳали тўпланмоқда, аммо фотосинтез, ўсиш ва ҳосил сифатига эҳтимолий таъсирнинг ўзиёқ бугундан профилактика чораларини кўриш учун етарли асосдир.

РАҚАМЛАР НИМАНИ АЙТМОҚДА?

2025 йилда чоп этилган йирик халқаро таҳлилда қуруқлик ўсимликлари, чучук сув ва денгиз сувўтларига оид минглаб кузатувлар умумлаштирилди. Муаллифлар микропластик таъсири фотосинтезнинг тахминан 7–12 фоизга пасайиши билан боғлиқ бўлиши мумкинлигини баҳоладилар. Шу муносабатлар асосида тузилган модел асосий экинлар бўйича йилига қарийб 110–361 миллион тонна эҳтимолий глобал йўқотишни кўрсатди. Аммо бу рақамлар дастлабки илмий прогнозлар бўлишига қарамай, улар пластик ифлосланиши қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги учун жиддий масала эканини исботлайди.

Бу фақат ҳосил масаласи ҳам эмас. Микропластик ичимлик суви, ош тузи, асал, шакар, айрим ичимликлар, денгиз маҳсулотлари ва бошқа озиқ-овқатларда аниқланган. Бироқ инсон қанча зарра ютиши ҳақидаги ҳисоб-китоблар жуда фарқ қилади, чунки уларни аниқлаш ва ўлчаш усуллари ҳали тўлиқ стандартлашмаган. Лаборатория ва ҳайвонларда ўтказилган тадқиқотларда яллиғланиш, оксидланиш зўриқиши ва ҳужайра шикастланиши каби эҳтимолий механизмлар ўрганилмоқда. Жуда майда нанопластиклар биологик тўсиқлардан осонроқ ўтиши мумкин, аммо озиқ-овқатда ҳозир аниқланаётган миқдорларнинг инсон саломатлигига қандай хавф туғдириши ҳали қатъий исботланган эмас.

Бу ноаниқлик ваҳима қилиш учун эмас, лекин бефарқ қолиш учун ҳам асос бўла олмайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти – ФАО, Европа озиқ-овқат хавфсизлиги идораси – EFSA ва АҚШ Озиқ-овқат ва дори воситалари бошқармаси – FDA бу масалани жиддий ўрганмоқда. Уларнинг эҳтиёткор хулосаси шу: микро ва нанопластиклар атроф-муҳит ҳамда озиқ-овқат тизимларига кириб бормоқда, бироқ хавф даражасини аниқ баҳолаш учун сифатли тадқиқотлар, ягона ўлчаш усуллари ва кўпроқ ишончли маълумотлар зарур.

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири, академик

ХЎШ, БУНИНГ БИЗГА НИМА АЛОҚАСИ БОР?

Кимдир хаёлан савол бериши мумкин: “Микропластик – денгиз, океан ва катта шаҳар чиқиндисининг муаммоси-ку, бизнинг қуруқ даламизга нима дахли бор?” Аслида, деҳқончилик пластик айланмасининг муҳим ҳалқаларидан биридир. Суғориш лентаси, мулча плёнкаси, ўғит ва пестицид қадоқлари, уруғ ва кўчат идишлари тўғри йиғилмаса, бевосита ифлосланиш манбаига айланади. Шу билан бирга, микропластик далага ифлосланган суғориш суви, компост ва бошқа органик қўшимчалар, атмосферадан тушиш, оқова, йўл ва шина чанги орқали ҳам келиши мумкин.

Мен буни ҳеч кимни айблаш учун айтаётганим йўқ. Аксинча, бу – бизнинг қўлимизда катта имконият борлигини англатади. Глобал пластик муаммосини ҳал этиш учун ишончли йиғиш инфратузилмаси, ишлаб чиқарувчилар масъулияти, қайта ишлаш, илм-фан ва аниқ сиёсат зарур. Аммо ҳар бир хўжалик бугуноқ оддий ва кам харажатли биринчи қадамни бошлай олади: кўзга кўринадиган пластик чиқиндини далада қолдирмаслик.

ЕЧИМ ОДДИЙ: ЭКОЛОГИК ТОЗА ДАЛА

Айнан шу боис, яқинда биз пахтачиликнинг саккиз муҳим қонунини эълон қилганимизда, энг сўнггисини – саккизинчи қонунни “Экологик тоза дала” деб атадик. Бу тасодиф эмас. Экиш, суғориш, озиқлантириш, ҳимоя, пишиш сигнали, дефолиация ва десикация – буларнинг барчаси муҳим агротехник қоидалар. Аммо уларнинг барчасини тожидек якунлаб турадиган қонун – дала маданияти ва масъулиятдир. Экологик тоза дала бир вақтнинг ўзида тўрт нарсани: тупроқни, сувни, етиштирган ҳосилимизни ва инсон саломатлигини ҳимоя қилади.

Хўш, амалда бу нимани англатади? Полиэтилен пакет, плёнка ва суғориш лентасининг бўлаклари тупроққа аралашиб, техникага ўралиб, сув йўлларини тўсиши мумкин. Уларни алоҳида йиғиб, майдондан чиқариш ва белгиланган қабул, қайта ишлаш ёки хавфсиз утилизация йўлига топшириш керак. Ўғит ва биостимулятор қоплари иш тугаши билан йиғилиб, қуруқ ва назоратли жойда сақланиши зарур. Пластикдан фойдаланиш шарт бўлса, узоқ хизмат қиладиган, қайта йиғиш мумкин бўлган ва сифат талабларига жавоб берадиган маҳсулотни танлаш лозим. “Парчаланади” деган ҳар қандай ёзув ҳам уни далада қолдириш мумкин дегани эмас.

Энг катта эҳтиёткорликни пестицид ва гербицид идишлари талаб қилади. Уларда қолган модда одам, ҳайвон, сув ва тупроқ учун хавфли бўлиши мумкин. Бундай идишларни маҳсулот ёрлиғидаги кўрсатма ва амалдаги миллий талабларга мувофиқ алоҳида сақлаш ҳамда ваколатли тартибда топшириш лозим. Кимёвий восита идишларидан сув ташиш, озиқ-овқат ёки чорва еми сақлаш, маиший эҳтиёжда фойдаланиш мутлақо мумкин эмас. Даладаги металл сим, шиша ва бошқа қаттиқ чиқиндилар эса ишчи, ҳайвон ва техникага шикаст етказмаслиги учун дарҳол йиғилиб, хавфсиз идишга жойланиши керак.

Бу ўринда икки хато тушунчадан огоҳ бўлмоқ зарур. Биринчиси – “бир парча плёнкадан нима ҳам бўларди” деб уни далада қолдириш. Ўша бир парча йиллар давомида кўплаб майда, барқарор зарраларга айланиши мумкин. Иккинчи, ундан-да зарарли хато – пластикни далада ёқиш. Ёқиш муаммони йўқотмайди: у ҳавога зарарли моддалар чиқариши, куйган кул ва қолдиқни яна тупроққа тушириши мумкин. Шунинг учун чиқиндини далада қолдириш, ёқиш ёки бетартиб кўмиш эмас, балки тартибли йиғиш ва тегишли тизимга топшириш тўғри йўлдир.

ДАЛА ТОЗАЛИГИ – МАВСУМИЙ ЭМАС, ДОИМИЙ ИШ

Кўпчилик дала тозалигини мавсум охирида бир марта қилинадиган иш деб тасаввур қилади. Бу етарли эмас. Экологик тоза дала – бутун вегетация давомида ва барча фаслларда олиб бориладиган доимий назоратдир. Фермер уни суғориш, ўғитлаш ёки ўсимликни ҳимоя қилиш каби ўз ишининг табиий қисми деб қабул қилиши лозим.

Амалда бунинг тартиби оддий. Экишдан аввал майдон пластик ва қаттиқ чиқиндилардан тозаланади. Ҳар бир ўғитлаш, пуркаш ва суғоришдан кейин дала кўздан кечирилади. Ишчилар ва механизаторлар учун чиқинди қоплари ёки қутилари ажратилади. Агрокимёвий идишлар бошқа чиқиндидан алоҳида сақланади, ариқ, коллектор ва дала йўлларига ҳеч нарса ташланмайди. Ҳосил йиғишдан олдин маҳсулотга аралашиши мумкин бўлган пластик олиб чиқилади, мавсум сўнгида эса дала, шийпон ва техника турар жойи тўлиқ тозаланади. Хўжаликка қанча плёнка, лента ва қадоқ киргани ҳамда қанчаси йиғиб топширилганини оддий дафтарда қайд этиш ҳам масъулиятни оширади. Бу иш самарали бўлиши учун туманларда қулай қабул нуқталари ва ишончли ташиш тизими ҳам йўлга қўйилиши зарур.

“ТОЗА ДАЛА ЧЕЛЛЕНЖИ”: БУТУН ЮРТ БОШЛАГАН ҲАРАКАТ

Энг қувонарлиси шундаки, бу ташаббус қоғозда ва шиорда қолиб кетмади. У амалий, оммавий ҳаракатга айланди. 2026 йил июль ойи Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан “Пластиклардан холи ой” деб эълон қилинди ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фермер хўжаликлари дала майдонларини пластик идиш, қадоқ ва бошқа чиқиндилардан тозалаш ишларини бошлади.

Ижтимоий тармоқларда бу ҳаракат “Тоза дала челленжи” деб ном олди. Фермерлар, деҳқонлар ва соҳа фидойилари бир мақсад – тоза тупроқ, хавфсиз ҳосил ва соғлом келажак учун бирлашмоқда. Йиғилган ҳар бир пластик идиш – тупроқда майдаланиб кетмайдиган яна бир чиқинди, тозаланган ҳар бир дала эса барқарор қишлоқ хўжалиги ва хавфсиз озиқ-овқат сари қўшилган ҳиссадир. Бу ташаббус кўз-кўз қилиш ёки ҳисобот учун эмас; у тупроқни асраш, янги микропластик ифлосланишнинг олдини олиш ва эртанги ҳосил хавфсизлигини таъминлаш учун чин юракдан қилинадиган ишдир.

Муаммони фермерга кўринарли қилиш учун ҳудудлардаги қишлоқ хўжалиги мутахассислари, вазирлик ва маҳаллий ҳокимликларнинг масъул ходимлари иштирокида оддий, аммо таъсирчан амалий ташаббус таклиф этилмоқда: фермер билан бирга унинг далисидаги атиги йигирма квадрат метр майдонни тозалаш ва йиғилган барча чиқиндини кўз олдида бир жойга тўплаш. Бу йигирма квадрат метр бутун далани тозалаш ўрнини босмайди. Унинг мақсади – шахсий намуна кўрсатиш ва фермер ҳар куни кўриб, кўникиб қолгани учун пайқамай юрган пластик миқдорини гўё кўзгуда акс эттириб беришдир. Кичик майдондан чиққан чиқинди бир жойга ёйиб қўйилганда, муаммо қуруқ гап эмаслиги дарҳол аён бўлади. Мутахассис ёки масъул раҳбар ишни ўз қўли билан бошлаб берса, бу танбеҳ эмас, балки амалий ибрат ва ҳамкорликка чақириқ бўлади. Ана шу кичик намойиш фермерни бутун даласини қайта кўздан кечиришга, чиқиндини йиғишга ва тозаликни доимий одатга айлантиришга ундаши керак.

Шу боис мен ҳар бир фермер, деҳқон, агроном, агрокластер раҳбари, туман масъули ва барча юртдошларимни бу эзгу ишга қўшилишга чорлайман. “Тоза дала челленжи”га қўшилинг, далангизни тозаланг, меҳнатингизни сурат ва видеолар орқали бошқаларга ҳам намуна қилинг. Тоза дала – фақат мажбурият эмас, бу маданият. У фермернинг ерга ҳурматини, ўз меҳнатига масъулиятини ва келажак авлод олдидаги виждонини кўрсатади.

КЕЛАЖАККА УМИД: ИЛМ ЕЧИМ ҲАМ ИЗЛАЯПТИ

Суҳбатимизни хавфу хавотир билан якунлагим келмайди. Инсоният ҳар қандай муаммога дуч келганда, унинг чорасини ҳам излайди. Микро ва нанопластик масаласида ҳам дунё илми умид уйғотадиган биологик йўналишларни ўргана бошлади.

2026 йилда Корея Республикасидаги Жаҳон Кимчи институти билан боғлиқ олимлар кимчидан ажратиб олинган Leuconostoc mesenteroides CBA3656 номли сут кислотали бактерияни ўргандилар. У лабораториянинг оддий шароитида тажрибада қўлланган полистирол нанопластикларининг тахминан 87 фоизини ўзига боғлади. Инсон ичагига ўхшатилган шароитда эса боғлаш кўрсаткичи қарийб 57 фоизни ташкил этди. Махсус сичқонлардаги тажрибаларда, бактерия билан озиқлантирилган тажриба гуруҳлари бактериясиз озиқланган назорат гуруҳига қараганда икки баробардан кўпроқ нанопластикни табиий йўл билан чиқарган.

Албатта, бу натижа билан қониқиш ҳосил қилиш мумкин эмас. Тадқиқот битта бактерия штамми, битта турдаги полистирол нанопластиги, назорат қилинган лаборатория шароити ва микробсиз сичқонларда ўтказилди – инсонларда эмас. У кимчи ейиш инсон танасидан микропластикни чиқариб юборади, деб исботламайди; зарраларнинг кўпроқ чиқарилиши тўқималарда тўпланишни тўхтатиши ёки саломатликка фойда келтиришини ҳам ҳали кўрсатган эмас. Ҳали инсон иштирокидаги тадқиқотлар ва бошқа пластик турлари билан кенгроқ тажрибалар олиб бориш зарур. Шунга қарамай, бу иш келажак изланишлари учун илмий асосланган йўналишни кўрсатади. Бу нимани англатади? Айрим озиқ-овқатдан олинган микроорганизмлар келажакда ичакдаги муайян ифлослантирувчиларни боғлаб, уларнинг чиқарилишига ёрдам берадиган биологик воситага айланиши мумкин.

Бу ерда энг муҳим сабоқ бор: табиат бизга ечим топишда ёрдам бериши мумкин, аммо аввало биз ўзимиз олдини олиш мумкин бўлган ифлосланишни тўхтатишимиз шарт. Фойдали бактерия келажакда ичакдаги оз миқдордаги заррани боғлаши мумкиндир, лекин у бутун далага сочилган пластикни тозалаб бермайди. Даланинг тозалиги ҳамиша инсон масъулиятига боғлиқ.

ТОЗА ДАЛА – ТОЗА ДАСТУРХОН

Микропластик – бизга нотаниш, биздан узоқдаги, бегона муаммо эмас, балки шундоқ ёнимиздаги муаммо. Пластик зарралари дунё бўйлаб тупроқ, сув ва озиқ-овқат тизимларида аниқланмоқда. Аммо ечимнинг бир қисми ҳам биздан йироқда эмас: у ҳар бир хўжаликнинг кундалик одатида, ҳар бир даланинг четида ва ҳар бир чиқиндига қандай муносабатда бўлишимизда яширинган.

Дунё илми бир вақтнинг ўзида ҳам огоҳлантирмоқда, ҳам умид бермоқда. Огоҳлантириши – пластик ифлосланиши тупроқ вазифаларини бузиши, ўсимликка халақит бериши ва озиқ-овқат занжирига кириши мумкин. Умиди – профилактика, яхши чиқинди бошқаруви, инновация ва келажакдаги биологик усуллар зарарни камайтиришга ёрдам беради. Шу икки ҳақиқат орасидаги энг муҳим ҳалқа – биз, деҳқонларимиз. Биз далани тоза сақласак, тупроқни ҳимоя қиламиз; соғлом тупроқ сифатли ҳосил беради; сифатли ҳосил хавфсизроқ дастурхонга, хавфсиз дастурхон эса соғлом оилага хизмат қилади.

Шунинг учун бугун ҳар бир фермерга битта содда, аммо кучли даъват ташлайман: далани тоза сақланг. Пластикни далада қолдирманг, ёқманг ва бетартиб кўмманг – уни тизимли йиғиб, тегишли қабул ёки қайта ишлаш пунктига топширинг. “Тоза дала челленжи” ва “Пластиклардан холи ой”ни бир мавсумлик кампания эмас, доимий одатга айлантирайлик. Бу ҳосилимиз, юртимиз саломатлиги ва келажак авлод дастурхони учун қиладиган энг оддий, аммо энг олижаноб ишларимиздан биридир.

Келинг, фарзандларимизга тоза тупроқ, тоза сув ва тоза дастурхон қолдирайлик!

ОЛАМ ОЛИМИ

Алексей ЕКИМОВ

зарра дунёсининг улкан кашшофи

2023 йилги кимё бўйича Нобель мукофоти Мунги Бавенди, Луис Брюс ва Алексей Екимовга “квант нуқталарини кашф этгани ва синтез қилгани учун” берилди. Бу сафда Екимов оламшумул кашфиётлар сари илк қадамни ташлагани билан ажралиб туради.

ҲАЁТ ЙЎЛИ

Алексей Иванович Екимов 1945 йил 28 февралда Россиянинг ҳозирги Санкт-Петербург шаҳрида туғилган. 1967 йилда Ленинград давлат университетининг физика факультетини тамомлади. 1974 йилда А. Ф. Иоффе номидаги Ленинград физика-техника институтида “Яримўтказгичларда заряд ташувчилар спинининг оптик йўналтирилиши” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 15 йил ўтиб “Яримўтказгич микрокристалларида квант ўлчам ҳодисалари” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади.

1977 йилдан С.И.Вавилов номидаги Давлат оптика институтида илмий фаолият юритди. Кейинчалик Нью-Йорк шаҳридаги “Nanocrystals Technology” компаниясида етакчи илмий ходим сифатида ишлади. Шунингдек, Франция, Германия ва Япониянинг нуфузли университетлари ҳамда илмий марказларида таклиф этилган профессор сифатида фаолият кўрсатди.

КАШФИЁТИ

Модда заррачалари нанометр ўлчамларигача кичиклашганда, уларда квант ҳодисалари юзага келади. Бундай ўта кичик заррачалар “квант нуқталари” деб аталади. 1981 йилда Алексей Екимов рангли шиша таркибида заррачалар ҳажмига боғлиқ бўлган квант эффектларини ҳосил қилишга муваффақ бўлди. Бунда шишага ранг берувчи модда сифатида мис хлорид нанозаррачаларидан фойдаланилган. Екимов ушбу заррачалар ўлчами квант эффектлари орқали шишанинг рангига бевосита таъсир кўрсатишини исботлаб берди.

ФАН ВА ТУРМУШ

Физиклар нанозаррачаларда квант эффектлари юзага келиши мумкинлигини назарий жиҳатдан аввалдан билишган. Бироқ ўша даврда бундай ўта кичик тузилмаларни лабораторияда яратиш имконсиз деб ҳисобланарди.

Екимовнинг қаттиқ жисм (шиша) ичида амалга оширган ишидан сўнг, Луис Брюс суюқлик муҳитида эркин ҳаракатланувчи нанозаррачаларда ушбу эффектни исботлади. 1993 йилда эса Мунги Бавенди квант нуқталарини кимёвий усулда ишлаб чиқаришда инқилоб қилиб, уларни деярли нуқсонсиз ва мукаммал ҳолатда олишга эришди.

Бугунги кунда ушбу кашфиёт ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган. Қурилмалар рангининг ёрқинлигини таъминловчи QLED телевизорлари ва мониторлар айнан квант нуқталари асосида ишлайди. Биокимёгарлар ва шифокорлар улар ёрдамида биологик тўқималарни (масалан, саратон ҳужайраларини) хариталайди ва юқори аниқликда визуализация қилади.

Истиқболда ушбу технология мослашувчан электроника, юқори сезувчанликка эга ўта кичик сенсорлар ва ўта самарали қуёш батареялари яратиш имконини беради.

Жасмина ИСРОИЛ тайёрлади.

ҲИКОЯ

БУЛБУЛ СУКУТИ

Бахтиёр НУРИДДИН

– Нимага йиғлаяпсан?

Дабдурустдан берилган бу савол улкан боғнинг чекка бир бурчагида, овлоқ жойдаги курси четида омонатгина ўтирган қизни сескантириб юборди. Унинг қовоқлари шишиб, кўзлари қизариб кетган эди.

– Ўзим... – деди қиз овоз келган тарафга умидворлик билан ўгирилиб, ҳиқиллаганча.

Қаршисида бармоқларида бир дона қирмиз гулғунча ушлаб олган, ўзини дадил кўрсатишга уринаётган хушбичимгина йигит кўзига жуда иссиқ кўринди. Аммо ҳарчанд уринмасин, барибир, таний олмади.

– Одам ўзича йиғламайди-ю, – йигит унга янада яқинлашиб, қўлидаги гулғунчани тинимсиз у ёқдан-бу ёққа айлантирганча, гапга гап улади.

– Нимага йиғлайди унда?..

– Билмадим. Буни сендан сўраш керак! – деди йигит ҳаяжонини яшириш учун зўраки кулимсираб.

– Нимам кулгили?! – чимрилди қиз. – Одам йиғласа ҳам биров куладими?.. – У шундай деб яна ҳиқиллай бошлади.

– Йиғлама! Нимага йиғлайсан? – қизнинг кўз ёшларини кўриб, саросимага тушди йигит.

– Ўзим!..

– Жиннимисан ёки?.. – йигит тоқати тоқ бўлиб, овозини бироз баландлатди.

– Йўқ.

– Унда гапир, нима бўлди?

– Нима фойда... – хўрсинди қиз. – Барибир ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмайди.

– Фойда учун йиғлаётган бўлсанг, тўйгунингча йиғлайвер, – деди йигит пичинг билан. Аммо ичида қизга ачинса-да, зардали оҳангда: – Ҳиқиллаб ўтиравер. Кўп йиғласанг, кўзларинг қораяди, – деб қўшимча қилди.

– Ким айтган буни?! – қиз ўзини масхара қилинаётгандек сезиб, асабийлашди.

– Халқ оғзаки ижодидан. Сен чалғима, давом этавер. Йиғла, йиғлайвер...

– Йиғлайдиган аҳмоқ йўқ! – қиз зарда аралаш кафтининг орқаси билан ёноқларини арта бошлади.

Йигит чўнтагидан рўмолчасини чиқариб, узатди. Қиз индамай олди-да, қатини очиб, юзига босди.

– Энди йиғламайсанми? – сўради йигит унинг ёнига ўтираётиб, паст овозда, эркалагандек.

– Йиғлаб бўлдим, – деди қиз ҳам майин жилмайиб.

– Яхши. Кўзинг ўзи қора экан, – деди йигит қўлида айланавериб бироз уринган гулғунчани унга узатаркан. – Ўзи бу ерда нима қилиб ўтиргандинг?

– ...

– Майли, айтгинг келмаса, айтмай қўя қол, – деди йигит ҳафсаласи қайтгандай.

– Барибир тушунмайсиз.

– Квант физикаси масаласими?..

– Сизга қизиғи йўқ-ку!

– Нимага ундай дейсан? Роса қизиқдир, балки.

– Сиз ҳам бошқаларга ўхшаб куляпсиз...

– Кулмадим.

– Кулдингиз.

– Яхши, яхши. Мен бора қолай бўлмаса.

– Кетасизми? – қизнинг овозида кутилмаган хавотир сезилди.

– Шундай деса ҳам бўлади. Ҳар қалай, бироз юпандинг, чалғидинг.

– Мени кузатиб қўймайсизми?

– Дангалчи экансан-ку! – йигит кулимсиради.

– Йигит дегани қизга гул бергандан кейин кузатиб қўяди-да, – деди қиз ишонч билан бошини кўтариб.

– Буни билмас эканман.

– Энди билиб олдингиз.

– Хўп, майли, – деди йигит ўрнидан қўзғалиб.

– Розимисиз!? – яна сўради қиз, кўзларини тикиб. – Фақат сиз ҳам алдаманг.

– Ие! Ҳали сени кўпчилик алдаганми?..

– Шунақароқ... Ҳамма алдоқчи, – деди қиз юзига оғир мунг қўниб.

Сўнг йигитнинг олдига тушиб, секин қадам ташлай бошлади. Йигит индамай унинг ортидан эргашди. “Юриш-туришидан дурустгина оилада тарбия топгани кўриниб турибди... Бироз тантиқроқмикан?” деб ўйлади у.

Дабдурустдан:

– Айланмаймизми? – деб юборди-ю, йигит ўз таклифидан ўзи хижолатга тушди. Чунки биринчи марта қиз болага гап ташлаши эди.

– Қаёққа борамиз?

– Ўзинг нима дейсан?

– Чархпалакка чиқайлик! – қиз болаларча қувонч билан чапак чалди.

– Бўпти. Кейин қайиқда сузамиз.

– Хўп бўлади. Сувда сайр қилиш маза... Лекин кўлга тушиб кетишдан қўрқаман, – деди қиз бироз жунжикиб.

Йигит катта кетиб қўйганидан, чўнтаги касаллигидан изза чекиб, хавотирга туша бошлади. Шу орада хаёлан вазиятдан чиқиш йўлини излаб, қўлидаги соатига қараб олди.

– Кечгача ҳали вақт бор, – деди қиз унинг ҳаракатини нотўғри тушуниб.

Боғ эшиги ёнида соатнинг қадрига етадиган жуҳуд соатсоз бор. Қулай имконият топса бўлгани – қизни беш-олти дақиқага ёлғиз қолдиради, холос.

– Сен хавотир олма! – деди у кўзлари мўлтираб турган қизга дадил оҳангда.

Чархпалак томон боришаркан, йўл-йўлакай музқаймоқ олиш учун тўхтаган йигитнинг енгидан қиз тортди:

– Менга мумкинмас.

– Ангинами? – деди йигит енгил тортиб.

Чархпалакка чиқишди. Энг баланд нуқтага борганда:

– Исминг нима? – деб сўради қиздан юрак ютиб. У ҳам кўп куттириб ўтирмай:

– Анора, – деди бепарвогина.

– Чиройли исм экан.

– Сизники-чи?

– Меники – Ботир.

– Жуда мос экан, – деб кулди қиз қаҳ–қаҳ отиб.

– Нимага куляпсан?

– Ҳар қалай, умуман чўчимаганингиздан билган эдим ботирлигингизни.

– Нимадан чўчишим керак эди?

– Қулаб тушишдан, – деди Анора пастга ишора қилиб. Сўнг ўзи қўрқувдан бироз қунишиб олди.

Ботир ҳам пастга кўз ташлади-ю, беихтиёр юраги ҳаприқиб кетди. Икковлари ҳам бироз жим қолишди. Анора шабада тўзғитган сочларини қулоғи орқасига йиғишга уриниб, кутилмаганда паст овозда, майин хиргойи бошлади. Оҳанг Ботирга жуда таниш, юракка яқин эди. Осмони фалакларда таралаётган бу сўзи ноаниқ товушлар оқимида у болалик чоғларида қолган унут ҳидларни, рангларни, ҳатто, таъмларни туйгандай бўлди. Марҳум ойисининг ёқасидан таралган қалампирмунчоқ ислари димоғига урилгандай кўнгли бузилиб, кўзларига ёш тўлди. Қиз ашуласини тўхтатмай, рўмолчани узатди. Ботир хўрсиниш билан мижжаларини артди:

– Овозинг жуда чиройли... ширин экан.

Анора индамасдан осмонга тикилди. Оқшомнинг кулранг пардаси ортида эртаки юлдузлар милтилларди.

– Гапиринг, – деди Анора юлдузлардан кўз узмай.

– Нимани?

– Ўзингиз ҳақингизда.

– Мени қўя тур. Сен ўзинг тўғрингда гапир, кимсан, нимасан?

– Яқинда кўрасиз. “Булбулмисан, қумримисан, намасан?” денг.

– Кўрасиз?!.. – таажжубланди Ботир.

– Ҳа! – деди қиз кескин оҳангда. – Фақат кейин қўрқиб, қочиб кетмасангиз бўлди.

– Нимага қочарканман? Сен нима... – деди-ю, Ботирнинг юрагига ноаён ғулғула тушди.

Улар пастга эниб, назоратчи кабина эшигини очиши билан Анора сакраб чиқа солиб, гавжум одамлар орасига қараб чопиб кетди. Ботир ҳам беихтиёр унга эргашаркан:

– Тўхта, қаёққа? – деб бақирди ва овозини ўзидан бошқа ҳеч ким эшитмаётганини англади.

Ботир бирдан қиз осмонга учдими ё ер қаърига кирдими, тушуна олмай қолди. У бир зумда кўз ўнгидан ғойиб бўлган эди.

Бироздан кейин: “Анора... Анора... Анора!..” деган ҳайқириқлар ва қарсаклар боғни тутиб кетди. Ботирнинг рўпарасидаги томоша саҳнасида қўлида дутор билан ўша сирли қиз жимгина бош эгиб турарди. Ботир кўзларига ишонмади.

Қиз саҳна ўртасида, ой шуъласида бошини кўтариб, томошабинларга маъюс термилди.

Худди кимнидир излаётгандек, ҳаяжонли нигоҳи билан атрофга бирма-бир қараб чиқди. Ботир: “Мени қидиряпти”, деб ўйлади ва одамлар орасидан қўлларини баланд кўтариб, “Шу ердаман!” дегандек икки-уч марта силкиди. Қиз пинак бузмади. Аксинча, бир нуқтага тикилганча жим туриб қолди. “Мени кўрди”, деб пичирлади йигит.

Шу пайт оломон ичидан қий-чув кўтарилди. Анора оҳиста дутор чертди. Куйга ҳамоҳанг равишда яна ўша – чархпалакда хиргойи қилган – маҳзун қўшиғини айта бошлади... Шу заҳоти атрофга сув қуйгандек жимжитлик чўкди. Ботир негадир ўзидан хижолат бўлиб, довдираганча атрофга қаради: баъзилар кўз ёшларини артиб, пиқиллаб йиғларди.

Бу қўшиқ юракни бунчалар тимдаламаса! “Анора, етар, бас қил!..” деб бақириб юборгиси келди унинг. Икки-уч дақиқа олдин шовқин солаётган оломоннинг бирдан маҳзун ҳолга тушиб, қўшиқ оҳангига тебраниши йигитни ҳайратга солди.

Бирданига томошабинлар ўзига келиб, гулдурос қарсаклар билан шовқин-сурон бошлаб юборишди. Шу дамда Ботирнинг хаёллари бузилиб, ўйлари чилпарчин бўлиб кетди. Одамлар орасида нима қилишини билмай, карахт бўлиб қолганди. Ҳамма олқишларди:

– Ано-ора! Ано-ора-аа!! Ано-о-ра!!!

Одамларга қўшилиб олқишлашни ўзига эп кўрмади. Бориб қуруқ қўл билан табриклашга эса журъати етмади. Ҳаяжон ичида оломон орасидан отилиб чиқди. Уни учратган ўша гулзорга бориб, қийғос очилиб ётган гуллардан авайлаб бир қучоқ терди. Узоқроқда газета ўқиб ўтирган қоровул уни кузатиб турган экан. Чол йигитнинг ёнига келиб, жаҳл билан гулларни қўлидан тортиб олди. Индамасдан, уларнинг тиканли шохчаларини синдира бошлади. “Оббо, – деди Ботир ичида, – айбдорманми, айбдорман! Нима деса ҳам чидайман”.

Қоровул гулларни қўлидаги газетасига ўраб, чиройли гулдаста ясади. “Эҳ, ёшлар-а!” деб ҳўрсиниб қўйди-да, йигитга узатди. Ботир ҳатто раҳмат айтишни ҳам унутиб, шиддат билан яна ортига қайтди. Саҳнанинг этагига етиб келгач таққа тўхтади: Анорани кимлардир қуршовга олиб, тергаб-койиётган эди. “Пастга туш, бетамиз! Ҳаммамизни шарманда қилдинг-ку! – дея уришарди улар. – Яна бир марта ўртага чиқсанг, отангга оқ бўласан!”

Ботир туш кўраётгандай карахт бориб, гулдастани Анорага тутқазди. Атрофга хушбўй ифор таралди. Йигит айни тобда жонини тортиқ қилишга ҳам тайёр эди.

– Раҳмат! – деди Анора, ҳар ҳолда унинг лаб ҳаракатлари шу сўзнинг чамасини берарди.

“Ҳаммаси тугади, – деб ўйлади Ботир. – Шундай бўлгани тузук. Энди ажралишсак ҳам бўлаверади”. Қулоқлари остида эса Анораниг чархпалакдаги гаплари жаранглари.

Айни пайтда гўё бу булбулнафас қизнинг олдида ўзи ҳеч ким эмасдек туюлди.

У одамлар орасидан секин сирғалиб чиқиб, равот томон юрди. Ўзи истамаган ҳолда қадамлари жадаллашди. Тақдир уни кимга дучор қилганини борган сари теранроқ тушуна бошлади. Қиз – денгиз эди, у – уммон, у – довул, у – камалак... Бу мўъжиза унинг ҳаётини остин-устин қилиб ташлайди, оёқ-қўлини кишанлайди, юрагини тилкалайди, келажагини тўзғитиб юборади. Кетиб бораркан, шуурида ана шундай воҳим қўланка изғирди.

Йўл юрса ҳам мўл юриб, Анораниг рўпарасида яна қандай пайдо бўлганини сезмай ҳам қолди. Анора!.. Худди ўзи! Нафис оёқлари билан майда қадам ташлаб, товус мисол солланиб, нозланиб, у томон мағрур келарди. Ойдин кечада унинг қора чарос кўзлари порлаб турар, йигитга сирли тикиларди.

– Қочиб қолибсиз-да? – қизнинг оҳангида на гина, на киноя бор эди.

– Ўзинг шуни истагандинг-ку.

– Бошқа куйламайман, – деди қиз айбдорона бош эгиб.

– Нима учун?! Менга жуда ёқди.

– Унда нимага кетиб қолдингиз?

– Бунчалик машҳурлигингни билмаган эканман-да.

– Унчалик эмас...

– Улар ким эди? – сўради Ботир боягина саҳна ортида гувоҳи бўлган ўша нохуш воқеага ишора қилиб.

– Сўраманг... Яна қочдим, – деди у ҳам истамайгина.

– Мухлисларинг жуда кўп экан.

– Кетманг... Ё мени ҳам ўзингиз билан олиб кетинг!..

– Ундай қила олмайман.

– Нимага?!

– Биринчидан, қонун олдида жавоб беришни истамайман. Иккинчидан, ўзинг биласан, бунақа ишларни одатларимиз кўтармайди.

– Онам ҳам шундай дейди.

– Қандай?

– Саҳнада куйлашим бизнинг оилага тўғри келмас экан. Аждодларимиз орасидан ҳеч қачон лапарчилар чиқмаганмиш...

– Катталар ҳамиша ҳақ, улар яхши биларлишади. Жаҳл қилма-да, уларнинг олдига қайта қол!

– Сўз бераман, агар сиз истасангиз, бошқа ҳеч қачон қўшиқ айтмайман.

– Кейин, барибир, аттанг қилсанг-чи?

– Ҳеч қачон!

Ботир у билан сайр қилиб, алламаҳалгача гаплашиб юрди. Анора аслида бегона эмас экан. Юқори кўчада яшайдиган катта аммасининг қўшниси бўлиб чиқди. Йигит уни илгари мактабда кўрганман, деб ўйлади: кўзга иссиқлиги шундан. Қизнинг айтишича, яқинлари – отаси, ака-укалари, хуллас, ҳамма-ҳамма унинг қўшиқ айтишига қарши экан. Энди бўлса Ботир ҳам...

У қиз билан чамаси бир ойлар давомида шундай учрашиб юрди. Одатларига кўра, бу вақт ичида бир-бирларини синашди. Анора ўзини сипо, андишали тутиб, тобора йигитга ёқиб борарди. Энг қизиғи, у шунча вақт ичида бирор марта ҳам санъат ҳақида гап очмади. Гапида турди. Шундан сўнг Ботир совчи қўйди. Анораниг ота-онаси роса ҳайрон бўлишибди. Сабаби, совчилар эшик қоқиб, “қўшиқчи” қизларини сўраб келишига ишонишмаган экан. Ҳатто устига-устак: “Қизимиз дутор чалиб, ашула айтади. Сал қайсарлиги, шаддодлиги ҳам бор. Шуни олдиндан билиб қўйинглар“, дейишибди. Борган совчилар эса: “Ҳечқиси йўқ, ўзимиз йўлга солиб оламиз”, деб жавоб қайтаришибди.

Тўйдан кейин ҳам Ботирнинг яқинлари Анораниг бирор марта на қўшиқ айтганини, на дутор чалганини кўришди. Ҳатто унинг хиргойисини ҳам ҳеч ким эшитмади. Йил ўтиб, қизалоқли бўлди. Чақалоқ худди онасининг ўзгинаси эди. Ҳамма хурсанд, айниқса, Анораниг яқинлари қувончдан ичига сиғмасди.

Урф-одатларга кўра, чақалоқ учун дунёнинг бор-будини уйиб ташлашди. Лекин Анораниг ўзи кундан-кунга сўниб, мунғайиб борарди. Буни аввалига янги туққан аёлнинг ҳолатига йўйишди, тез орада ўтиб кетар, деб ўйлашди. Аммо ундай бўлмади.

– Анора, – дерди ялинганнамо Ботир. – Болага алла айт, жоним, ўша чархпалакдаги қўшиғингни айт...

Келинчак алла ўрнига рўмоли билан оғзини беркитиб, силкиниб-силкиниб, унсиз йиғларди.

Бола бир ёшга етар-етмас, Анора ётиб қолди. Унинг руҳиятида хавотирли ўзгаришлар бошланган эди. Шифокорлар беморнинг чуқур изтироб ва тушкунликка тушганини, унга мутлақо тинчлик кераклигини айтишарди.

Шифохонага икки-уч маҳал қатнаб, ўзи ҳам руҳан толиққан Ботирнинг аҳволи Анорадан авло эмас эди. Бир куни палата токчасига омонат ўтирганча томдан тараша тушгандек:

– Куйлагинг келса, куйлайвер, Анора! – деди овози бўғилиб.

Хотини жавоб бермай, деворга ўгирилиб олди.

Ташқарига мажҳул йўл олган куёв кираверишда неварасини етаклаб олган қайнонасига дуч келди.

– Шундай бўлишини билгандим. У азалдан ноқисул ақл эди, – деб аёл бироз йиғлаб олди.

– Ундай эмас. Худо хоҳласа, ҳали ўтиб кетади, – деди Ботир ишонч билан уни тинчлантиришга уриниб.

– Гапирсам, гап уқмайди-я. Худди эси пастдек, мени танимаяпти ҳам. Қандай қиз эди-я, – деб аёл яна айюҳаннос солди.

Қайнонасининг гапларидан Ботирнинг ичи оғриди, ғазаби қайнади. Лекин ломмим демади. Она ҳам ўз боласини шундай маломат қиладими, ахир?! Қайнона йигитнинг афт-ангоридан жаҳли чиққанини сезди шекилли: “Кулчаойим, кулча қизим менинг”, дея неварасини алқаб, гапни бошқа ёққа бурди.

Ботир қизчасини етаклаб хонага қайтиб кириб борганда, Анора бурчакда тиззаларини қучоқлаб, қунишиб ўтирарди. Фарзандини кўриб, киприк ҳам қоқмади: на севинди, на қучоқ очди.

Ниҳоят, ҳафсаласи пир бўлган дўхтирлар уйга жавоб беришди.

* * *

Уйда ҳам аҳволи ўнгланмаган Анора қизчаси билан қий-чув қилиб, қувлашмачоқ ўйнаётган Ботирга ҳиссиз термилиб ўтираверарди. Билганлар “Сабрдан сариқ олтин!” деб далда беришар, билмаганлар эса “Шу жиннини деб йигитнинг умри хазон бўлди”, дея аттанг қилишарди.

Ботир бир куни уларнинг бахтли кунларини ёдга солувчи қадрдон буюмларни – бари-барини хотинининг атрофига жамлади. Ҳатто дуторни ҳам у яшаётган хонага олиб кириб, тахмонга илиб қўйди. Эрта тонгда илк бор учрашган ўша гулбоққа борди-да, худди биринчи кундагидек бир қучоқ гул териб, эски газетага чиройли қилиб ўради.

Уйига қайтаётганида, узоқдан худди анча йиллар бурун дунёдан ўтиб кетган бувисининг овози эшитилгандек бўлди. “Бу кетишда нақд жинни бўлиб қоламан”, деб ўйлади йигит хавотирланиб. Яна бироз ўтиб, овоз онасининг товушига ҳам ўхшаб кетди. Ҳаммаси таниш, ҳаммаси қадрдон... Ниҳоят, топди... Бу Анора эди! У қизчасини аллалаётган эди...

Қадамини тезлатиб, ҳовлига шошди. Остонада опаси тўсиб, тўхтатди. Ичкарига киришга йўл бермади. Кўзларида ёш билан укасига қараб, бирдан қучоқлаб олди.

Йигит ҳаммасини тушунди.

– Алла, болам, алла-ё... Жоним болам, алла-ё...

Овоз худди озодликка талпиниб, кўксини қафас симларига ураётган қушнинг ноласига, шамол юлқиётган майсаларнинг фарёдига ўхшарди.

– Айт, Анора! Айтавер! – деди Ботир ҳаяжонини тия олмай, лаблари қалтираб...

БИР ОИЛА ТАРИХИ

Бошланиши 1-саҳифада.

У киши: “Саломатой, хафа бўлмасангиз, майли, ўргатаман”, дер экан. Икки овсин опа-сингилдек ниҳоятда аҳил-иноқ бўлишган экан.

Аям қайнонаси Ойдиной бувимиз жуда оқила, ўктам, гапини ўтказадиган аёл бўлганини айтарди. 1917 йилда Абдувоҳид бобомни Солияхон аммамнинг турмуш ўртоғи билан бирга босқинчилар ўлдириб кетишган экан. Дадам ўшанда бувимнинг қўлларида қирқ кунлик чақалоқ бўлган, аммам ҳам тўрт нафар жўжабирдай фарзанди билан бева қолган.

Эркин Воҳидов тарбия кўрган хонадон соҳиблари Маҳбуба ва Карим Соҳибаевлар.

Розияхон аям, ўзимнинг аям, дадам Қўқон педтехникумини битириб, мактабда бошланғич синфларга дарс беришган. Эркин акамнинг дадаси Чўянбой амаким парторг бўлиб ишлаган. Чўянбой амаким педтехникумни битириб келиб, дастлаб у киши ҳам мактабда дарс берган. Ташаббускорлиги, ишга пухталигини кўрган юқори ташкилот вакиллари амакимни райкомга парторглик лавозимига тайинлашган.

Уруш бошлангач, аям сельсоветда секретарь бўлиб ишлаган. Чўянбой амаким бошига ўқ тегиб, шунинг асорати туфайли урушдан қайтгач, 1944 йилда оиласи билан бирга Тошкентга даволаниш учун келган. Эркин акамнинг тоғаси Каримбой Сахибоев Чўянбой амаким билан қалин дўст эди. Амаким ва Розияхон аям уларнинг хонадонида яшашган. Бошга қадалган осколкани олишнинг иложи бўлмай, амакимнинг дарди оғирлашиб Тошкентда вафот этган. Шу бўйи Розияхон аям Эркин акам билан Тошкентда қолиб кетган. Эркин ака болалигининг ушбу пайтларини “Қуёш маскани” достонида шундай эслайди:

Ҳали етти ёшга тўлиб-тўлмасдан,
Онамдан ҳам қониб эшитмай эртак.
Отамнинг меҳрига тўйиб-тўймасдан,
Қўша жудоликни кўрибди юрак...
Лекин тақдиримдан норози бўлсам,
Ёлғиз ўсдим десам йўқ зарра ҳаққим.
Она бўлиб мени қучди-ю ўлкам,
Ота бўлиб бошим силади халқим.
Жигар бўлиб боқди менга мушфиқ кўз,
Неча дўст-ёр топдим, неча биродар,
Эсим таниб, менга
“Тоға” деган сўз
“Ота” деган сўзга бўлди баробар.
Унинг меҳри ила
Умр ирмоғим
Қуйилди каттакон ҳаёт наҳрига.
Қолди Олтиариқ –
Ота қишлоғим,
Она шаҳрим Тошкент олди бағрига.

Чўянбой амакимнинг вафотидан сўнг ҳам борди-келди алоқаларимиз йўқолмаган. Тошкентга келганимизда, албатта Каримбой Сахибоев хонадонига Розияхон аям ва Эркин акамни кўргани борардик. Биз оилада етти фарзанд (5 қиз, 2 ўғил) бўлганмиз. Эркин ака Гулчеҳра келинойимга уйланиб, алоҳида уй-жой қилиб чиқишгач, борди-келди алоқаларимиз яна ҳам мустаҳкамланди. Келинойим хонадонларига меҳмон бўлиб борганимизда, доим очиқ чеҳра билан самимий кутиб оларди.

1967 йилда Тошкентга филология йўналишига ўқишга келдим. Ўша пайтда Эркин акамнинг хонадонида яшадим. Гулчеҳра келинойим гўзал ва хушсурат, ниҳоятда ораста, саришта, доно, хушмуомала аёл эди. У кишидан кўп нарса ўрганганман. Муҳаммаджон ака билан турмуш қуришимга ҳам келинойим сабаб бўлган. ТошДУнинг кечки бўлимида ўқирдим. Муҳаммаджон ака бизга форс тилидан дарс ўтарди. Негадир, бир неча кун у киши орқамдан изма-из келаётганини пайқадим. Бу домла ақлдан озганми, дея нега орқамдан пойлаётганини сўрадим. У киши:

– Пойлаётганим йўқ, шу яқин атрофдаги кўчада тураман, – деди.

– Қайси кўча экан? – деб қизиқдим.

– Конфет фабрикасининг орқасидаги Урицкий кўчасида тураман.

Уйга келиб воқеани Гулчеҳра келинойимга айтиб берсам, у киши: “Раънохон, домлангиз сизни яхши кўриб қолибди. Урицкий маҳалламиз яқинидаги кўча эмас, шаҳарнинг нариги бурчаги томонлардаги кўча”, деди. Домла ҳар куни орқамдан кузатиб юрарди. Келинойимга: “Анави, жинни орқамдан ҳеч қолмайди-я!” десам, “Раънохон, жинниларни ўқитувчиликка олишмайди”, деди. Бир куни яна орқамдан эргашиб келганида, дарвоза очиқ экан, келинойим: “Келинг-келинг”, деб кутиб олса, бу киши ҳам индамайгина ҳовлидаги стулга келиб ўтириб олди. “Вой!” деганимча қолдим. Келинойим Муҳаммаджон ака билан суҳбатлашиб, мени ош тайёрлашга уннатди. Ош еб бўлингач, Муҳаммаджон ака кетди ва келинойим “Ёмон болага ўхшамаяпти”, деган фикрни билдирди. Эркин акам ҳам у киши билан суҳбатлашгач, машҳур олим Шоислом Шомуҳаммедовдан суриштирди ва дадамга куёвликка номзод сифатида тавсия этди. Шундай қилиб, биз оила қурдик.

Турмуш ўртоғим Ленинградга аспирантурага ўқишга кириб, илмий иш ёқлади. Анча йиллардан бери Шарқшунослик университетида дарс беради. Муҳаммаджон ака Имомназаров филология фанлари доктори, тарихчи, профессор. Асосан, Алишер Навоий даври адабиёти, ўрта асрлар тарихи ва классик адабиёт таҳлили билан шуғулланган, тадқиқотларида Шарқ мумтоз адабиёти ва тасаввуф илми кенг ёритилган.

Эркин акам Гулчеҳра келинойим билан қўш қанот бўлиб, бир-бирларини маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб бахтиёр яшашди. Ақлли ва ўқимишли тўрт фарзандни тарбиялаб, вояга етказишди, набираэваралар кўришди. Охиратлари обод бўлсин.

Раънохон ВОҲИДОВА

Ҳусайн Бойқаро девонининг 1485 йилда кўчирилган қўлёзма нусхаси.

Навоий "Бадойиъ ул-бидоя" девонининг 1481 йили кўчирилган қўлёзмасининг дастлабки саҳифаси.

ПАРИЖДАГИ МЕРОСИМИЗ

Бошланиши 1-саҳифада.

ЭЪТИБОР ОШМОҚДА

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг хориждаги мероси, айниқса, қўлёзма меросимизни ўрганишга кенг миқёсда киришилди. Масалан, 2019-2022 йиллар мобайнида “Ўзбекистонга оид хорижда сақланаётган маданий бойликлар реестрини яратиш, нодир қўлёзма асарларнинг факсимилесини нашр этиш” лойиҳаси доирасида хорижда сақланаётган 3000 дан ортиқ қўлёзма асарларнинг қисқа рўйхати – реестри тузилди ва уч жилд китоб шаклида чоп этилди. Алишер Навоийнинг “Бадойиъ ул-бидоя” девонининг Истанбулда сақланаётган нодир қўлёзмасининг факсимил нусхаси Туркияда жойлашган Ислом тарихи, санъати ва маданияти тадқиқот маркази (ИРСИКА) ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширилди. Тахминий ҳисобларга кўра, хориждаги қўлёзма меросимиз бундан ўнлаб баробар кўпроқ бўлиб, эндиликда улар ҳақида маълумотлар жамланмоқда.

Албатта, олимларимиз томонидан бу масала бўйича ҳозирга қадар ҳам муайян ишлар амалга оширилган. Ҳамма гап шундаки, айни даврда бу масала янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Биргина Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси марказининг ташкил этилиши, куни кеча бу ерда I Халқаро ислом цивилизацияси форумининг ўтказилиши мамлакатимизда маданий меросга давлат миқёсида катта аҳамият берилаётганини кўрсатади.

НОДИР ҚЎЛЁЗМАЛАР

Ўзбекистонга оид маданий бойликлар дунёнинг қайси мамлакатида бўлмасин, ўзбек зиёлисини қизиқтириши табиий ҳол. Парижга илмий сафарим доирасида ўша кутубхоналардаги Ўзбекистонга оид қўлёзмларга эътибор қаратдим. Шаҳардаги шарқшунослик йўналишидаги китоблар жамланган икки муҳим маънавий марказ – Франция миллий кутубхонаси ҳамда Тиллар ва цивилизациялар университети кутубхонасида юртимизга оид қўлёзмалар сақланар экан. Ушбу йўналишдаги кичик қадам сифатида мазкур даргоҳларга йўл олдик.

Мумтоз ўзбек, араб ва форс тилларида араб ёзувида ўлкамизга оид кўплаб асарлар битилган. Шахсан мени туркийшунос олим сифатида эски туркий тилидаги қўлёзмалар кўпроқ қизиқтиради. Шундай қилиб, изланишларни Тиллар ва цивилизациялар университетидан бошладим. Мазкур илм даргоҳи, моҳиятан, Шарқшунослик университети деган номга тўғри келади ҳамда унда бизнинг минтақа тиллари, жумладан, ўзбек тили ҳам ўқитилади. Ўқув даргоҳи кутубхонасида туркий тилларда 282 та қўлёзма сақланиб, шундан тахминан элликта атрофидаги қўлёзма мумтоз ўзбек тилида ёзилган экан.

Афсуски, бу ерда ушбу манбалар учун алоҳида фонд мавжуд эмас. Европадаги кўплаб қўлёзма тўпламларида бўлгани каби мумтоз ўзбек тилидаги асарлар анъанавий равишда “турк қўлёзмалари” номи остида келади ва айни атама билан мумтоз ўзбек тили, усмонли туркча ҳамда бошқа туркий тиллар бирлаштириб берилаверади. Шу боис, бу асарларнинг муаллиф ва мазмунини аниқлаш учун ҳар бир қўлёзмани алоҳида кўриб чиқиш талаб этилади. Бунга эса имконият чекланган. Мазкур университет кутубхонасида Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Абулғозий Баҳодирхон каби машҳур муаллифлар асарларининг қўлёзмалари мавжудлигини билдик, албатта, улар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Умуман олганда, бу ўлкада араб ёзувидаги қўлёзмалар миқдори катта экани маълум бўлди. Масалан, Франция миллий кутубхонаси Европада араб ёзувидаги қўлёзмаларнинг дунёдаги энг йирик коллекцияларидан бирига эга. Гарчи қўлёзмаларнинг аниқ сони янги келиб тушаётган асарлар ва каталоглардаги тузатишлар сабабли ўзгариб турса-да, кутубхона ва соҳага оид академик каталоглар маълумотларига кўра, араб ёзувидаги асосий фондлар ҳажми тахминан қуйидагича: араб тилидаги фондда 7 минг 280 та, форс тилида 2 минг 600 та, туркий фондда тахминан 2 минг 40 та қўлёзма сақланади. Шундай қилиб, араб ёзувидаги қўлёзмаларнинг умумий сони тахминан 12 мингга яқин.

Табиийки, Франция миллий кутубхонасида ўлкамизга оид бир қатор нодир қўлёзмалар мавжуд. Улар ҳақида маълумотлар берилган. Масалан, “Меърожнома”ни қайд этиш мумкин. Алишер Навоийнинг 1481 йили кўчирилган “Бадойиъ ул-бидоя” девони, Ҳусайн Мирзонинг 1485 йили Ҳиротда машҳур хаттот Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган девони ҳамда 1836 йили Қўқон хони Муҳаммадалихонга атаб махсус кўчирилган шеърий тўпламнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, бу уч қўлёзма муаллифлар ҳаётлигида қоғозга туширилган.

Яна таъкидлаш керакки, “Бадойиъ ул-бидоя”нинг нодир нусхаларидан бири Париждаги миллий кутубхонада “Supl. turc 746” рақами остида сақланмоқда. Нусханинг таркибидан дебоча ва девон ўрин олган. Ушбу нусханинг кўчирилиш санаси ҳижрий 885 йил шаввол ойига (1480 йил декабрь – 1481 йил январь ойлари) тўғри келади. Кўчирувчиси номаълум. Ўлчами: 25х18 см. Матннинг ўлчами: 16х11 см. Дастлаб Эдвард Блошенинг каталогида тавсифланган ушбу қўлёзма ўтган асрнинг 60-йилларида профессор Ҳамид Сулаймонов томонидан жиддий таҳлилга тортилган ва “Бадойиъ ул-бидоя” девонининг энг қадимий нусхаси сифатида фанга маълум қилинган.

Ўтган йилларда навоийшунос олима Ойсара Мадалиева ушбу қўлёзма хусусиятлари борасида “Адабий мерос” журналида мақола эълон қилди. Муаллифнинг синчиклаб ўрганиши натижасида мазкур нусханинг кўчирувчиси Алишер Навоийнинг шахсий котиби Абдулжамил бўлиши мумкинлиги фараз қилинган. Шунингдек, мақолада манба ҳозиргача маълум бўлган бошқа қадимий нусхалари таркиби билан қиёсий ўрганилаётгани аён бўлади. Шуниси қувонарлики, 2025 йили олима Франция миллий кутубхонасига махсус келиб, қўлёзмани синчиклаб ўрганди ва докторлик диссертацияси ёзишга киришди.

“Бадойиъ ул-бидоя”нинг Алишер Навоий ҳаётлиги даврида кўчирилган, ҳозиргача аниқланган қўлёзмалари сони саккизта бўлиб, Париж нусхаси илк қўлёзма ҳисобланади. У мазкур девоннинг дебоча матни билан кўчирилгани, шунингдек, таркибида ғазал жанридаги шеърларнинг миқдори кўплиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Париж нусхаси таркибида 1480 йилдан кейин кўчирилган “Бадойиъ ул-бидоя” қўлёзмаларига кўра бешта жанрдаги шеърларнинг учрамаслиги эса Навоий шеърий лабораторияси тадрижийлиги ҳақида тасаввур қилиш имконини беради, дейиш мумкин.

2000-йиллар бошида Франция миллий кутубхонасида сақланаётган, 1836 йили Қўқон хони Муҳаммадалихон саройида кўчирилган, унинг ва Абдураҳмон Жомий, котиб Дабирнинг шеърлари киритилган қўлёзма билан танишгандим. Бу ҳақда француз ва ўзбек тилларида бир нечта мақола эълон қилдим. Мазкур қўлёзма Муҳаммадалихон давридаги ўзбек мумтоз адабиёти ва Қўқон хонлигида Темурийлар адабий муҳитига тақлид қилишга уриниш ҳамда айни сарой маданияти ҳақида маълумот бериш жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга эди.

Орадан йигирма йил ўтиб, Парижда бўлганимда мазкур “қадрдон” қўлёзмани яна бир кўришни истадим. Аммо бу сафар Муҳаммадалихон қўлёзмасига нодир манба сифатида ўзига хос муносабатда бўлишди: танишиш учун уни менга беришса-да, уни ўта ноёб ҳисоблаб, мени алоҳида столга ўтказишди. Қўлёзмани бўлим ходими назорати остида ўқидим. 20 йил аввал қўлимга бемалол тутқазишган бу қўлёзма энди ўта нодир нусхага айланганидан хурсанд бўлдим. Кутубхонанинг мазкур қўлёзмага муносабати жиддийлашишига балки менинг мақолам сабаб бўлгандир? Шундай бўлса, хурсанд бўлардим. Лекин дунёда, жумладан, ўзимизда ҳам қўлёзмаларга, умуман, халқимиз меросига эътибор ортиб бораётгани бор гап.

“МУСОФИР” МЕРОСИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Илмий сафар доирасида Франция миллий кутубхонаси фондидаги ўлкамизга оид қўлёзмалар ҳақида батафсил маълумот олишга уриндик. 2024-2025 йилларда туркий тилдаги қўлёзмалар таркибини батафсил ўрганиш, қайта идентификация қилиш бўйича махсус лойиҳа бошланган. Мазкур кутубхона туркий қўлёзмалар бўлими илмий ходими, туркийшунос доктор Ламин Тамссаоут ҳозирда кутубхонадаги туркий

қўлёзмалар феҳрестини тузиш устида иш олиб бормоқда. У аввал мумтоз ўзбек тилида деб ҳисобланмаган олтмишга яқин қўлёзмани аниқлаган. Тамссаоут кутубхона фондларида сақланаётган шарқий туркий, яъни, мумтоз ўзбек тилидаги қўлёзмаларни аниқлаш ва илмий каталоглаштиришга қаратилган кенг кўламли илмий лойиҳани амалга оширмоқда. Олим Франция миллий кутубхонасидаги мумтоз ўзбек тилидаги қўлёзмалар таркиби ҳақида шундай дейди:

Афтондил ЭРКИНОВ,
филология фанлари доктори

“Франция Миллий кутубхонаси ўз фондларида 2 минг 40 дан ортиқ туркий қўлёзмаларни сақлаб келмоқда. Ушбу бой мажмуа туркий тиллар тарихининг турли даврлари ва географик ҳудудларини қамраб олувчи диалектал хилма-хилликни яққол намоён этади. Тўплам таркибига ғарбий туркий (ўғуз) лаҳжаларида ҳамда шарқий туркий лаҳжаларда битилган қўлёзмалар киради. Айниқса, шарқий туркий деб аталувчи мумтоз ўзбек тилидаги қўлёзмалар ўзининг адабий, тилшунослик ва бадиий қиймати билан миллий кутубхонамизнинг туркий фондида алоҳида ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан, бўлимнинг эски каталогларида мумтоз ўзбек тилида ёзилган атиги 76 та қўлёзма қайд этилган эди. Бироқ тадқиқотлар натижасида араб, форс ва туркий фондлар орасида тарқоқ ҳолда сақланаётган жами 160 дан ортиқ шарқий туркий қўлёзмалар аниқланган.

Мазкур қўлёзмалар мавзуларининг ранг-баранглиги билан шарқий туркий халқларнинг интеллектуал ва маданий меросини акс эттирувчи ноёб илмий мозаикани ташкил этади. Тўплам таркибига IX асрга оид эски уйғур тилидаги Пеллиот фондининг энг қадимий матнлари, XIII-XIV асрларга мансуб Хоразм туркийсида ёзилган “Муқаддимат ул-Адаб” ва “Китоб ал-Афол” каби асарлар, шунингдек, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Муҳаммад Хойи, Муҳаммад Важиҳ ад-Дин, Аҳмад Яссавий, Умар Боқий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари йирик мутафаккир ва адибларнинг асарларини ўз ичига олган мумтоз ўзбек тилидаги қўлёзмаларнинг бой мажмуаси киради”.

Доктор Тамссаоутнинг тадқиқотлари кўрсатишича, Франция миллий кутубхонасининг Шарқ қўлёзмалари фондлари ислом ва туркий дунёнинг турли ҳудудлари ўртасидаги қўлёзмалар алмашинуви ва тарқалиши натижасида босқичма-босқич бойиб борган. Бу ҳолат айрим қўлёзмаларга мутлақо ноёблик хусусиятини бағишлаган. Энг муҳим кашфиётлар қаторига Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” асарининг ҳозирча маълум бўлган энг қадимги парча нусхаси, Бобур хатида битилган автограф изоҳлар ҳамда 1542 йилга мансуб “Абушқа” луғатининг энг қадимги нусхаси киради.

Шарқий туркий қўлёзмаларнинг Франция миллий кутубхонаси фондларига қачон келиб тушгани ёки дастлабки харид саналарини аниқ белгилаш ҳозирча мушкулдир. Шунга қарамай, энг қадимги қўлёзмаларнинг кутубхона фондларига XVII асрда келиб тушганини тахмин қилиш мумкин. Жумладан, 1642 йилда сайёҳ Равиуснинг Истанбулда бўлган даврида амалга оширилган харидлар энг қадимги манбалар сирасига киради. Кейинчалик Денис де Ла Ҳае-Вантелет (тахминан 1650 йил), сайёҳ ва олимлар Марсел Алепенсис, Анкуетил-Дуперроннинг Ҳиндистонга сафарлари давомида тўплаган қўлёзмалари ҳамда Чарлз Шефернинг ниҳоятда бой коллекцияси ушбу фондларнинг сезиларли даражада кенгайишига хизмат қилган.

Шундай қилиб, бугунги кунда Франция миллий кутубхонасида сақланаётган мумтоз ўзбек тилидаги қўлёзмалар сонини анъанавий равишда кўрсатилган юзга яқин қўлёзма билан чеклаб бўлмайди. Доктор Тамссаоут таъкидлаганидек, янги қўлёзмаларни аниқлаш учун кутубхонанинг барча Шарқ фондларини тизимли равишда қайта кўриб чиқиш зарур, чунки уларда ҳали аниқланмаган кўплаб шарқий туркий қўлёзмалар мавжуд бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Айнан мана шу ёндашув доктор Ламин Тамссаоут тадқиқотларининг энг муҳим ва ўзига хос жиҳатларидан бири бўлиб, Франция миллий кутубхонаси Шарқ қўлёзмалари фондларини ҳар томонлама ўрганиш орқали шарқий туркий халқларнинг етарлича тадқиқ этилмаган тил, адабиёт ва интеллектуал меросини илмий муомалага киритишга хизмат қилмоқда.

Париж, 2026 йил.

Кангул кишиси

Миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган таниқли шоир ва таржимон Икром Отамурод 75 ёшида вафот этди.

Икром Отамурод 1951 йили Қашқадарё вилоятининг Касби туманидаги Касби қишлоғида туғилди. Ўрта мактабни тугатганидан сўнг Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)ни журналист мутахассислиги бўйича тамомлади.

Меҳнат фаолиятини нашриётда муҳаррир сифатида бошлаб, кейинчалик узоқ йиллар “Шарқ юлдузи” адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журналида адабий ходим, бўлим мудири лавозимларида хизмат қилди. Мазкур таҳририятдаги 51 йиллик фаолияти давомида назм оламининг минглаб дурдоналарини ўқувчилар қўлига етиб бориши йўлида заҳмат чекди, юзлаб ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаб, катта адабиётга кириб келиши учун оқ йўл очиб берди.

Шоирнинг “Вақт ранглари”, “Жануб қушлари”, “Тўрғайли манзиллар”, “Уфқлар орти бепоён”, “Узоқлашаётган оғриқ” шеърий китоблари 80-йиллар адабий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

90-йиллардан бошлаб унинг шеъриятида лирик-фалсафий йўналиш устуворлик касб этди. “Сопол синиқлари”, “Сен”, “Руҳимнинг қайғуси”, “Ичкари ва ташқари”, “Истарим”, “Кўнглим ўзинг”, “Тавр”, “Таназзул”, “Харитага тушмаган жой”, “Муқаддар”, “Ёбондаги ёлғиз дарахт”, “Қуш”, “Ҳувийят”, “Руҳиятнинг таржимаи ҳоли”, “Ҳижрон имтиҳони” каби назмий китоблари ва достонларида шоирнинг бетакрор бадиий усули ва ижодий маҳорати эътиборни тортади.

Шоирнинг “Ўзи бўлиб яшаган кунлар танийди Ҳақни”, деган сатри ана шундай фалсафий қарашлар маҳсули бўлиб, Икром Отамурод бир умр ўзи бўлиб яшади, ўзгаларга ўхшашни истамади.

Икром Отамурод фаластинлик шоир Муин Бсисуга бағишланган “Ярадор умид отлари” (1986) достонини ёзар экан, унда нафақат бир миллат дардини куйлайди, балки жаҳон халқларига тинчлик, фаровонлик ва тараққий соғинади. Бу орқали тафаккур сарҳади икки дарё орасидан умумжаҳон миқёсига кенгаяди. Достон умумбашарий муаммоларга жавобан Шоир қалбининг акс садоси бўлиб янграйди.

Икром Отамурод ижоди деганда хаёлга “кангул” сўзи келади беихтиёр. Дарҳақиқат, адиб кўнгил одами эди, қалби дайро шоир эди.

У жаҳон адабиётидан Уолт Уитмен, Пабло Неруда, Евгений Евтушенко, Ўлжас Сулаймон каби катта ижодкорларнинг шеър ва достонларини ўзбек тилига таржима қилди.

Икром Отамуроднинг халқимиз, Ватанимиз олдидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони ҳамда “Дўстлик” ордени билан мукофотланди.

Таниқли шоир, ёшларнинг меҳрибон устози, самимий ва камтарин инсон Икром Отамуроднинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

“Jadid” газетаси таҳририяти ва муассислар

КУЗАТУВ

ИМТИҲОНДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА,
ЎзЖОКУ ректори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Ҳар йили ёз фасли мен учун жўшқин ва масъулиятли паллага айланади. Чунки бу пайтда университетимизга катта орзу-умид ва мақсадлар билан юзлаб ёшлар қадам қўяди. Улар билан юзма-юз суҳбатлашиш, фикрлаш тарзи, дунёқараши, қизиқишлари ва орзуларини тинглаш менга ҳар сафар бир ҳақиқатни англатади – ҳар бир авлод ўз замонасининг фарзанди.

Ижодий имтиҳонлар мен учун доимо қизиқ, чунки 18-20 яшар авлод билан эркин суҳбат қилиш имконияти ичимдаги кўп саволларга жавоб топишга ёрдам беради. Янги авлод қандай? Улар медиа оламни нега танладилар? АТ ва СИ билан алоқалари қанақа? Матбуот ва бадиий адабиётга қизиқишлари борми? Хуллас, йиллар давомида ўйлаб юрган саволларимга жавоб оламан, уларга қўшилиб мен ҳам ҳаяжонланаман...

Мен учун ижодий имтиҳонларнинг энг муҳим натижаси кимнингдир хатосини топиш эмас, балки келажак ҳақида ўйлашдир. Чунки бу аудиторияларда ўтирган ёшлар орасида эртанги мухбир ҳам, таҳлилчи ҳам, бош муҳаррир ҳам, медиа менежери ҳам, халқаро журналист ҳам бор. Айримлари бизни саволга тутганида уларнинг мустақил фикрини ҳис қиламан, бу мушоҳада замирида юртимизнинг эртанги интеллектуал салоҳиятини кўраман. Шунинг учун ҳам, ҳар бир ижодий имтиҳон мен учун оддий саралаш жараёни эмас, балки авлодлар учрашуви, кеча билан бугуннинг мулоқоти, эртанги кун билан юзма-юз суҳбатдир. Албатта, устоз сифатида бугунги ёшларга ишонаман. Чунки улар орасида билимли, китобхон, дунёқараши кенг ва чинакам иқтидор эгалари жуда кўп.

Бу йилги ижодий имтиҳонларда мингта китоб мутолаа қилган Азизахон исмли абитуриентимиз кўплаб устозларни ҳайратга солди. Жаҳон адабиёти дурдоналарини ўқиб, Телеграм саҳифаларида мушоҳадаларини тенгдошларига улашаётган китобхон ёшларимизни кўриб фахрландик, ният қилдикки, улар албатта бизнинг талабамиз бўлишсин. Ҳали ўқишга кирмасдан туриб, вилоят ва Республика телевидениесида бошловчи сифатида фаолият юритаётган, равон нутққа, кенг мушоҳада ва эркин фикрга, дадил қарашларга, дубляж соҳасида бетакрор иқтидорга эга (дубляж соҳасида фаолият юритаётган, бир вақтнинг ўзида овозини ўзгартира оладиган ёшларни ҳам кўрдик) ҳавасмандлар билан завқланиб суҳбатлашдик. Ана шундай навниҳолларни кўриб, журналистиканинг эртанги кунига ишончимиз ортди.

Аммо ҳар бир қувончли манзарани ўйлантирувчи томони ҳам бўлар экан... Афсуски, журналистика таълим йўналишига ҳужжат топширган айрим ёшлар журналист, телебошловчи ва блогер ўртасидаги фарқни аниқ тушунтириб бера олмади. Аксарияти журналист деганда машҳур ток-шоу бошловчиларини номма-ном келтирди. Бу эса касбнинг моҳияти ҳали тўлиқ англанмаганини кўрсатади. Ахир журналистика фақатгина микрофон ва камера қаршисида бийрон гапириш санъати эмас. Асло! Агар шундай бўлганда, энг яхши журналистлар энг машҳур чеҳралар бўларди.

ТАЛАБА ЖУРНАЛИСТГА

Ғунчага гул бўлиб
очилмоқ учун
Мактаб яратмабди
қодири ғаффор.
Сенда-чи, газет бор
ҳам дорилфунун,
Агар очилмасанг –
ўзингсан айбдор.

Абдулла ОРИПОВ

Журналистиканинг олтин қоидаси бор: ҳақиқатни айтмоқ учун аввало уни англаш керак. Шунинг учун журналистнинг энг катта қуроли микрофон эмас, билим, энг ишончли таянчи камера эмас, тафаккурдир. Микрофон овозни кучайтиради, аммо билим ва тафаккургина сўзга салмоқ, фикрга қудрат бағишлайди.

Суҳбат жараёнида ижтимоий тармоқлардан фаол фойдаланадиган абитуриентлар асосан Instagram ва TikTokдаги кўнгилочар контентларни кузатишини айтди. Бироқ ижтимоий-сиёсий фикрлар, таҳлилий мақолалар ва жамоатчилик муҳокамалари жойлаштириладиган Facebook (Meta)даги муҳит улар учун деярли бегона. Ахир бўлғуси журналист учун ижтимоий тармоқ вақт ўтказиш воситаси эмас, жамият кайфиятини англаш, фикрлар хилма-хиллигини кузатиш ва таҳлил қилиш майдони бўлиши керак.

Ижтимоий тармоқлар ҳақидаги бундай суҳбатларда яна бир зиддият намоён бўлдики, ахборот кўпайган сари уни англашга бўлган эҳтиёж эмас, баъзан уни тез истеъмол қилиш истаги устун келаётгандек.

Имтиҳон жараёнида яна бир зиддиятли жиҳатга дуч келдик: ёзишга иқтидори, мустақил фикри ва қалами бор айрим қизларимиз шахсий ижодий саҳифа юритиш истагини билдирганида, ота-оналарининг қаршилигига дуч келаётган экан. Нега? Ахир иқтидор бу таъқиқланадиган, яшириб қўйиладиган неъмат эмас, тарбия ва ишонч билан камолга етказиладиган Яратганнинг омонатидир. Агар йўли тўсилаверса, истеъдод сўнади, агар унга ишонч билдирилса, у миллатнинг маънавий бойлигига айланади. Албатта, ота-онанинг фарзандини рақамли технологияларга мукка кетишидан асраш истагини тушуниш мумкин. Бироқ ҳимоя қилиш дегани унинг иқтидорини яшириш эмас, аксинча, уни одоб, масъулият ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаб, тўғри йўлга бошлашдир. Зеро, Ватаннинг эртанги сўзи ҳам, нуфузи ҳам ана шундай эркин фикрлайдиган, маънавияти мустаҳкам ёшлар қаламида яратилади.

Энг қизиқ ва айни пайтда энг ўйлантирган суҳбатлар китоблар ҳақида, адабиёт ҳақида кечди.

Афсуски, сунъий интеллектга фикрлаш салоҳиятини ҳам топширган баъзи ёшлар учун бадиий асарнинг моҳиятини билиш эмас, шунчаки нима ҳақида эканлигини билсам бўлди, деган ёндашув муҳимлиги имтиҳон жараёнида маълум бўлди.

Бўлажак талабалар билан суҳбат асосида ўтган аср якунидаги талабалик йилларимизни, устозларимизни эсладим. Биз ахборотни асосан китоблардан, газеталардан, журналлардан излардик. Кутубхонага боришнинг ўзи бир маънавий эҳтиёж эди. Бугунги ёшлар эса мутлақо бошқа ахборот маконида улғаймоқда. Уларнинг қўлида чексиз имкониятлар мужассам. Бир неча сонияда дунёнинг исталган нуқтасидаги маълумотга эришиши мумкин. Демак, муаммо технологияда эмас.

Умуман, бугунги авлодни кечаги авлод билан таққослашдан кўра, уларнинг ҳар бири қайси муҳитда шаклланганини тушуниш муҳимроқ. Замон ўзгармоқда, ахборот оқими тезлашмоқда, таълим усуллари ҳам такомиллашиб бормоқда. Табиийки, бу ўзгаришлар натижасида фарзандларимизда китобга муҳаббатни, савол бериш маданиятини, мустақил мушоҳада қилиш қобилиятини сақлаб қолишимиз, йўқотиб қўймаслигимиз лозим. Бу йўлда оила, мактаб, университет ва бутун жамият ҳамкор бўлиши керак.

Азизлар, фарзандларимизни фақат имтиҳонга эмас, ҳаёт синовларига тайёрлайлик! Уларга фақат жавоб беришни эмас, мулоҳаза юритишни ҳам ўргатайлик. Фақат дипломни эмас, теран дунёқарашни қадрлайлик. Фақат ахборотни эмас, ҳақиқатни излашга ундайлик. Ана шунда таълим масканларимиздан нафақат аълочилар, балки масъулиятли зиёлилар ва Ватан тақдирига дахлдор инсонлар етишиб чиқади. Бунинг учун барчамиз бирдек масъулмиз!

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ИХТИЁРИЙ ЎЛИМГА РУХСАТ

Франция Миллий ассамблеяси оғир ва бедаво касалликларга чалинган беморлар учун ҳаётдан кўз юмишга кўмаклашиш (эвтаназия) ҳуқуқини жорий этувчи қонунни маъқуллади. Бу ҳақда “Le Monde” хабар берди.

Ушбу ҳуқуқдан Франция фуқаролигига эга ёки мамлакатда доимий яшайдиган вояга етган беморларгина фойдалана олади. Амалиёт фақат оғир хаста, жисмоний ёки руҳий азоб чекаётган ва бу оғриқларини енгиллаштиришнинг имкони бўлмаган одамларда қўлланади. Беморнинг қарори мутлақо ихтиёрий, онгли бўлиши ва шифокорлар кўригидан кейин ҳам бир неча бор тасдиқланиши керак. Францияда эвтаназия учун ўлимга олиб келадиган дорилар берилади.

УЙСИЗ ҚОЛГАН ПРЕЗИДЕНТ

Жанубий Корея президенти Ли Же Мёнг ўзининг квартирасини сотди ва энди уйи йўқлигини айтди. Бу ҳақда “Yonhap” хабар берди.

Президент февраль ойида кўчмас мулк бозорини барқарорлаштириш бўйича амалга ошираётган чора-тадбирларига жамоатчилик ишончини ошириш мақсадида уйини сотувга қўйган. Кўчмас мулк

Сеул яқинидаги Соннам шаҳрида жойлашган.

“Энди менинг уйим йўқ”, дея Ли Же Мёнгнинг уй-жой сиёсати бўйича Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида айтган сўзларини келтиради “Yonhap”.

МАЛАЙЗИЯДА ДЕПОРТАЦИЯ МАСАЛАСИ

Малайзия ҳукумати Жоҳор штатидаги “Forest City” ҳудудида жойлашган “Network School” рақамли кўчманчилар ҳамжамиятида исроилликлар бор-йўқлигини текширмоқда.

Агар тафтиш давомида уларнинг иштироки тасдиқланса, ушбу шахслар зудлик билан мамлакатдан чиқариб юборилади. Бу ҳақда Малайзия бош вазири Анвар Иброҳим маълум қилди.

Бош вазирнинг таъкидлашича, Малайзия Исроил давлатини тан олмайди. Ҳозирда тегишли органлар мазкур дастурда Исроил фуқаролари қатнашаётгани ҳақидаги хабарларни ўрганмоқда.

РОССИЯЛИК САЙЁҲЛАР ҲИБСГА ОЛИНДИ

Туркияда ҳуқуқ-тартибот идоралари россиялик эр-хотинни Аё София масжидида Инжил ўқигани сабабли ҳибсга олди. Бу ҳақда “Meduza” хабар берди.

Қўлга олинганлар Москвадан Туркияга таътилга келган эр-хотин: 35 ёшли Виктория ва 32 ёшли Игордир. Улар 14 июль куни Истанбулнинг энг диққатга сазовор жойларидан бири бўлган Аё София масжидига борган. У ерда Игор ўзи билан бирга олиб келган Инжил китобини чиқариб, ўқий бошлаган.

Эр-хотиннинг сўзларига кўра, уларни дарҳол одамлар ўраб олган ва масжиддан ташқарига олиб чиқиб кетган. Шундан сўнг улар Фотиҳ туманидаги полиция бўлимига олиб борилган. Истанбул полицияси ҳибсни тасдиқлаган. Россияликларнинг айтишича, тузилган баённомада улар “аҳоли ўртасида адоват ёки душманлик қўзғатиш”да гумон қилинаётгани ёзилган.

ТАРИХДАН САДО

“АТТАНГ,

Буюк адибимиз Абдулла Қодирийнинг публицистик асарлари ўзининг қамрови ва кескинлиги билан жадид журналистикасида алоҳида ажралиб туради. Хусусан, “Иштирокиюн” газетасининг 1919 йил 4 ноябрда чоп этилган “Бизда аскарлик масаласи” мақоласи ана шундай ўз вақтида айтилган жасоратли фикрлар мажмуидир. Мақолада шундай сатрлар бор: *“Бошқалар тарафиндан ҳуқуқингнинг топталмови, четларга маҳкум, мазлум бўлмаслик, чет миллатларга ўз товушингни эшитдируб, эшитмоққа мажбур этувға шубҳа йўқким, қўлингдаги қуролингға, аскарий кучингга қараб бўлур”.*

Қодирий “четларга маҳкум, мазлум бўлмаслик... қўлингдаги қуролингға, аскарий кучингга қараб” белгиланишини тўғри англаб етмаётган замондошларига юзланади. Ҳурриятга эришса-да, “оғзиға қуюлғон тайёр ошни ҳам эблаб” ича олмаётган миллатнинг аҳволидан куйинади.

Маълумки, 1917 йилдаги инқилоблардан кейин Туркистонда ҳокимият учун кураш даври бошланди. Советлар Тошкентда ўз ҳукуматини ўрнатди, лекин маҳаллий мусулмон аҳоли манфаатлари ҳисобга олинмади. Халқнинг диний-миллий қадриятлари поймол этилгач, зиёлилар орасида норозилик кайфияти ортиб, миллий мустақиллик истаги кучайди. 1917 йил 18–26 октябрда Тошкентда мусулмон ҳарбийлари қурултойи ўтказилди. Жадидлар ва бошқа зиёлилар сиёсий жиҳатдан фаоллашиб, Туркистоннинг ўз-ўзини бошқариш ғоясини илгари сурди.

Мустамака сиёсатини кўзлаган советлар ўз мавқеини сақлаб қолиш учун барча чораларни қўллай бошлади. Ички ишлар халқ комиссарлиги томонидан “Ишчи милицияси тўғрисида” қарор қабул қилинди. Ҳукумат зиммасига ишчи милициясини зарур техника воситалари ва қурол-яроғ билан таъминлаш вазифаси юклатилди. Туркистонда ҳам мустабид тузумни ҳимоя қилиш учун ишчи-деҳқон милицияси ташкил этилди. Лекин советлар ҳарбий соҳада кадрлар масаласига жуда ҳушёр бўлиб, маҳаллий аҳолига қурол беришни, армия таркибига олишни қаттиқ назорат қиларди.

Туркистон ҳукумати эндигина ташкил топган вақтиёқ миллий қўшин масаласи муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этган. Ҳарбий қудрат ташвиши доим жадидларнинг эътибор марказида бўлган. Туркистон мухторияти талабларида миллий армияни ташкиллаштириш илгари сурилади. “Улуғ Туркистон” газетасининг 1917 йил 8 декабрь сонида ёзилишича, “Туркистон мухториятининг молия ишларин таъсис қилурға киришув, халқ милицияси вужудга келтирувчи ҳамда Туркистонда ерлашган миллатларнинг ҳуқуқларин сақлов учун тегишли тадбирлар қилув (аскар ташкил қилув)” назарда тутилади.

Мухторият талабида Туркистоннинг мустақил миллий армияси ва байроғига

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

МЕҲНАТГА ТУҲМАТ

Саидғани Абдуқаюмов 1884 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Ўн саккиз ёшида рус-тузем мактабини аъло баҳолар билан тамомлаган. Бу пайтда янгича билимли ёшларга хусусий савдо фирмаларининг эшиги очиқ эди. У ҳам тенгдошлари каби меҳнат фаолиятини ишчи сифатида бошлайди. 1905 йил кузагидаги инқилобий намойишлар ва тартибсизликлар гувоҳи, ҳатто, иштирокчисига айланади. Орадан кўп ўтмай, 1906 йилда "Э.Циндель" фирмасига ишга киради. Энг гуллаган ёшлик чоғи шу ерда ўтади. 1911–1917 йилларда Хитойнинг Синьцзян ўлкасида – Хами, Хошан, Урумчи, Қошғар, Ғулжа ва Чугучак шаҳарларида бўлади, у ердаги фирма идораларида ишлайди. Бу йиллар уни чиниқтирди: савдо ишларининг ички қоидалари, иқтисодий муносабатлар ва молиявий ҳисоб-китобларни пухта эгаллади.

1917 йилги Октябрь воқеаларидан кейин Саидғани Абдуқаюмовнинг давлат ва жамоат ишларидаги фаоллиги янада кучайди. 1917-1918 йилларда Тошкентда совет ходимлари иттифоқини ташкил этишда қатнашиб, унинг раиси бўлди. Айни вақтда Тошкент шаҳар депутатлари совети ижроия қўмитаси аппарати аъзоси сифатида фаолият юритди. 1918 йили кооператив раиси, 1919 йил январь-июнь ойларида Тошкент ижроия қўмитасининг озиқ-овқат бўлими мудири, июль ойидан 1920 йил октябрига қадар эса коммунал хўжалик бўлими мудири вазифаларида ишлади.

1920 йилдан бошлаб иш фаолияти молия тизими билан чамбарчас боғланди. Аввалига Сирдарё вилояти молия бўлими раиси этиб тайинланди. Бир вақтда вилоят ижроия қўмитаси аъзоси, Тошкент совет ходимлари касаба уюшмасининг хазиначиси, Тошкент Эски шаҳар ижроия қўмитаси аъзоси сифатида фаолият кўрсатди. Кўп ўтмай Эски шаҳар партия қўмитасининг масъул котиби, сўнгра 1921 йил июнига қадар Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси раиси ўринбосари лавозимларида меҳнат қилди.

Сўнг яна Сирдарёга қайтарилиб, вилоят ишчи-деҳқон инспекцияси мудирлигига қўйилди. Туркистон АССР Молия халқ комиссарлиги ҳайъати аъзолигини ҳам гарданига юклашди. Шундан кейин қисқа муддатларда Туркистон Молия халқ комиссарлиги Марказий солиқ бошқармаси раҳбари, Туркистон қишлоқ хўжалиги кооперацияси раиси ўринбосари, Молия халқ комиссарлиги ҳайъати аъзоси, Туркистон Республикаси Кооперация иттифоқи президиуми аъзоси ва молия қисми мудири бўлди.

1923 йилдан Саидғани Абдуқаюмовнинг фаолияти Бухорога томон йўналиб, Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) молия нозирига ўринбосар, биринчи ўринбосар, бир йил ўтмай молия нозири этиб тайинланади. У давлат бюджети, солиқ сиёсати, молиявий назорат, давлат муассасаларини маблағ билан таъминлаш ҳамда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ишларига раҳбарлик қилади. Фуқаролар уруши, инфляция, ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва янги давлат тизими шакллаётган бир шароитда молия соҳасини бошқариш катта тажриба ва масъулият талаб қиларди. Шу маънода, ёш республика иқтисодий барқарорлигини таъминлашдаги хизматлари унга давлат арбоби рутбасини ҳам берар эди.

1924-1925 йилларда у Марказий Осиёда миллий-ҳудудий чегараланишни амалга ошириш комиссияси таркибида ишлади. Жараён якунлангач, 1925–1927 йилларда Тожикистон ССР Молия халқ комиссари лавозимига тайинланди. 1933 йилда Ўзбекистонга чақириб олиниб, Алоқа халқ комиссарлиги тизимига ўтказилди. Аммо бу йилларда Ватанга қайтганларнинг бирортаси барака топмади. Чунки совет давлатининг қатағон машинаси мурватлари тиш қайраб, ҳаракатга кела бошлаганди. Советлар ҳар қандай юксак хизматга ҳам, мартабали обрўга ҳам тупурган, Сталин малайлари қўлларига "халқ душмани" ёрлиғини тутганича, бирин-кетин миллат элитасининг пешонасига ёпиштириш пайига тушганди.

1937 йил 4 декабрь. С.Абдуқаюмовга нисбатан Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат хавфсизлиги бошқармаси ходими жиноят иши қўзғатиш ҳақида қарор қабул қилади. Ҳужжатдаги асосий айблов шундай эди: "1923–1925 йилларда Бухоро Халқ Совет Республикаси молия нозири бўлиб ишлаган вақтида "Миллий иттиҳод" аксилинқилобий миллатчи ташкилоти аъзоси бўлган ҳамда хорижий давлатлардан бири манфаати йўлида жосуслик фаолияти билан шуғулланган". У эртасигаёқ №26/20-сонли ордер асосида Тошкент шаҳри Дмитров кўчасидаги 3-уйда ҳибсга олинади.

Терговнинг дастлабки кунлариданоқ Саидғани Абдуқаюмовнинг барча кўрсатган хизматлари ахлат қутисига улоқтирилиб, қарийб йигирма йил аввалги сиёсий қарашлари ва алоқалари кун тартибига қўйилади. Терговчилар уни аввало "Миллий иттиҳод" ташкилоти билан боғлашга уринади. Шундан сўнг кимлар билан яқин муносабатда бўлганини аниқлашга киришади. У Файзулла Хўжаев, Муҳиддин Турсунхўжаев, Саъдулла Турсунхўжаев, Порсо Хўжаев, Қори Йўлдош Пўлатов ва Мунаввар қори Абдурашидов каби давлат ва жамоат арбобларини яхши таниганини, улар билан хизмат муносабатларида бўлганини билдиради. Тергов баённомасида бу шахсларнинг кейинчалик "аксилинқилобчи миллатчилар" сифатида фош этилгани алоҳида таъкидланади. Қатағон даврининг энг мудҳиш жиҳатларидан бири ҳам шу эдики, кечагина давлат ишончига сазовор бўлган, бирга хизмат қилган раҳбарларнинг номлари терговчилар қўлида бир-бирига қарши сохта айбловнинг "исбот"ига айлантириларди.

Тергов материалларининг кейинги саҳифаларида сўз 1918 йил воқеаларига бурилади. Саидғани Абдуқаюмов ўша даврда эсерлар партияси сафида бўлгани, партия топшириғи билан большевикларнинг қуролли гуруҳларини қуролсизлантириш ишларида қатнашганини баён қилади. Ҳатто, телефон станциясини қўриқлаётган 10-15 нафар большевикни қуролсизлантирганини ҳам тан олади. Сталинча тергов учун эса вақт ва тарихий шароитнинг аҳамияти йўқ эди. Қарийб йигирма йил аввалги воқеалар ҳам инсон тақдирини ҳал қилувчи "далил"га айлантирилар, кечаги сиёсий кураш саҳналари эса бугунги "аксилинқилобий жиноят" сифатида талқин этиларди. Унинг кўрсатмалари ҳам худди шу тарзда ўзига қарши қуролга айлантирилди. Бундан ташқари, у Хитой консуллиги билан ноқонуний алоқада бўлгани, консуллик ходимлари билан йиғилишлар ташкил этгани, ушбу учрашувларда совет ҳокимияти сиёсатини қоралагани ва келгуси урушда унинг мағлуб бўлишини башорат қилгани баён қилинади.

1936 йилга оид айбловларда эса Абдуқаюмов ўз маҳалласи аҳолиси орасида аксилинқилобий, туҳматомуз тарғибот олиб боргани, Совет Иттифоқида очарчилик ва вайронагарчилик ҳақида провокацион миш-мишлар тарқатгани, совет ҳокимияти сиёсати миллий республикалардаги халқларни йўқ қилишга қаратилган деб баҳолагани ҳамда Файзулла Хўжаевни мақтагани кўрсатилган. Айблов хулосаси якунида Саидғани Абдуқаюмов қурол ва 159 дона ўқ-дорини ноқонуний сақлаганликда ҳам айбланган. Унга нисбатан ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддасига кўра айблов илгари сурилган ва жиноят иши Ички ишлар халқ комиссарлигининг махсус "учлиги"га юборилган. 1938 йил 4 февралда 54 ёшли Саидғани Абдуқаюмов 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Афсуски, унинг кейинги тақдири ҳақида архив ҳужжатларида ҳеч қандай маълумот сақланиб қолмаган. Аянчли жиҳати, бир умр меҳнат қилган одамнинг хизматлари жаҳолат сабабли яна меҳнат билан "тақдирланди".

"Ёвузлик ҳамиша шафқатсизлик ва заифликдан келиб чиқади", деган гап бор. Шафқатсиз тузум кучли бўлгани учун эмас, аксинча, заифлиги ортидан, ҳақиқатдан қўрққани учун ойдинларни қатағон қилди. Вақт эса сохта айбловларни четга улоқтириб, ҳақиқатларни юзага чиқараётир. Саидғани Абдуқаюмовнинг номи ҳам ана шу ҳақиқатлар билан бирга ўзимизга қайтди.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

ШУНИСИ ЧАККИ..."

Санобар ТЎЛАГАНОВА

эга бўлиши муҳим саналган. Убайдулла Хўжаев ҳарбий ишлар бўйича вазир бўлиб тайинланган. Ўша вақтда эълон қилинган маълумотларга кўра, *"Ушбу январнинг тўққизида Ҳўқандда Туркистон мухторияти ҳукуматининг аскарина манёвр ясалган. Бир минг қадар мусулмон аскар тузулган экан, ҳаммаси мулла Абдуразоқбойнинг боғига йиғилганлар. Ҳукумат аъзоларидан ҳарбия нозири Абдуллаҳўжаев ила молия нозири Ислом Шоаҳмедов бориб аскарни табрик қилғонлар. Оташли нутқлар сўзлағонлар. Бу манёвردан сўнг, нақ бир мингга яқин аскар йиғилиб, ҳозир муваққат ҳукумат қарамоғида икки минг қадар мунтазам миллий армия бор экан"* **("Улуғ Туркистон", 1918 йил 21 январь).** Демак, ихтиёрий равишда хизматга бел боғлаганлар сони икки мингга яқин бўлган.

Мухторият ваҳшийларча қонга ботирилгандан кейин ҳукумат назоратни янада кучайтирди. Халққа нисбатан ўтказилган оммавий қирғин кўнгилли қўшин орасида норозиликни оширди. Бундай қаршилик алалоқибат миллий озодлик ҳаракатининг пишиб етилишига замин ҳозирлади.

Абдулла Қодирий ўз мақоласида вазиятни бой бермаслик ва курашни тўхтатмаслик учун ҳам миллий қўшин зарурияти ҳақида алоҳида тўхталади. Мақола матнига диққат қаратсак, муаллиф мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласини илгари суради: *"Биз мусулмон меҳнаткашлари буюк Ўктабр инқилобидан сўнг ҳурриятни, истиқлолни яна эгаллаш ила бошладик. Ўзимиз учун маҳкумиятдан қутулиб яшовнинг мумкинлигини сездик. Бошлаб қўлдан кетган ҳуқуқларимиз ўз қўлимизга қайтиб кира бошлади. Сўнғи вақтларда ватанимиз бўлган Туркистон идораси ҳаммаси бўлмаса ҳам ярмиси деярлик ўз йигитларимиз қўлиға ўтди".* Мухторият қўлдан кетгандан сўнг ҳам Туркистон идораларининг "ярмиси деярлик ўз йигитларимиз қўлиға ўтди" дейиш мумкинми?

Инқилобдан кейинги йиллар миллат зиёлилари бошқарувда маҳаллий аҳоли бўлишининг тарафдори эди. Бу ерда ҳали қўлдан батамом кетмаган Туркистон мустақиллиги масаласи ҳақида сўз боради. Чунки, бу пайтда советлар ҳали ҳокимиятни тўла қўлга олиб бўлмаган, сиёсий-инқилобий ички курашлар кучайиб кетган эди. Миллий озодлик ҳаракати ўлканинг турли бурчакларида тинимсиз суратда давом этарди. Мамлакатда бундай ҳарбий ҳаракатлар юз бераётган паллада миллий армияни тузиш тўғрисида фикр юритишнинг ўзи хатарли ва қалтис эди, албатта. Аммо муаллиф ўз фикрларини қатъият билан айтади. Назаримизда, адиб бу каби долзарб мақолаларида ўзининг ижтимоий-сиёсий вазиятга нисбатан қарашларини пардаламасдан, очиқ-ошкора ифода этаверган.

Мақолада қўшни афғон халқича бўла олмаган туркистонликларнинг аҳволи жуда ачинарли эканига ишора қилинади. Зеро, Афғонистон амири Омонуллохон 1919 йил 28 февралда Афғонистонни мустақил деб эълон қилган, 1919–1928 йилларда мамлакатда қолоқликни бартараф қилиш ва ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантиришга йўналтирилган бир қанча ислоҳотларни амалга оширган эди. Муаллиф афғонлар мустақил бўлган вақтдаги Туркистоннинг сиёсий аҳволидан шикоят қилади. Бунга сабаб, биринчи навбатда ўзимизда ғайрат ва шижоат етишмаслиги, дейди.

Мақолада Европа ва Америка мамлакатлари ўзларининг ҳарбий салоҳияти билан шуҳрат қозонгани эътироф этилиб, бизнинг миллий армиямиз йўқлигига диққат қаратилади. Шу сабаб Туркистон мустамлака ва қолоқ ўлкага айланиб бораётгани танқид қилинади. Муаллиф чор мустамлакаси олиб борган нотўғри сиёсат туфайли маҳаллий аҳоли қўрқоқ ва қарам бўлиб қолганига ишора қилиб, ҳар бир мустақил давлатнинг ўз миллий қўшини бўлмоғи лозимлиги, "истиқлол олиб, аскарсиз яшамоқ бутунлай мумкин эмас"лиги ҳақида фикр юритади.

Мақола охирида муаллиф ниятини очиқлайди. *"Мусулмонлардан кўнгилли аскар йиғмоқ Туркистон ўзбак ишчилар ҳаётини таъмин ва четлар тарафиндан топталган ҳуқуқини тиргизу деган сўздир".* Мурожаатнома шундай тугайди: *"Мусулмонларнинг ўзидан аскарий муаллимлар еткузмак учун курслар очиб, шу кундан эътиборан Эски шаҳар синфий иттифоқлари шўросига бир нафар ўз ҳарбий вакилини доимий этиб тушурсун".*

Абдулла Қодирий ҳарбий қудрат ҳақида кейинчалик ҳам фикр билдирган. Хусусан, босқинчиларга қарши жангларда иштирок этган отаси Қодирмуҳаммад бобо ҳақида ёзилган "Отам ва болшевик" (1922) ҳикоясида гўё содда отасидан беозоргина кулмоқчидай туюлса-да, аслида, муаммонинг бизга кўринмаган бошқа тарафига эътибор қаратади.

"– Худонинг хоҳлагани-да, кофирнинг қўлида қолиб кетдик... Ўзимизда ғайрат йўқ. Агар юрт бир оғизга тупуруб, яроғ тополмағанда ҳам қора калтак бўлуб чиқса, исни-биска қўймас эди..."

"– Тузук, тузук, кўб яхши. Болшевойинг одамохун экан, сарбоздан кел, сарбоздан. Ўзимиздан сарбозлар борми?

– Бор, лекин бўлса ҳам йўқ ҳисобда.

– Аттанг, шуниси чакки экан..."

Бобо ўзи ҳарбий бўлганидан маҳаллий аҳолидан аскарларнинг бўлиши сиёсий-иқтисодий жиҳатдан муҳимлигини тажрибада кўрган, буни ҳис-туйғуга берилмай ақли билан англаб етади, афсус чекиб, аламли ўкинади.

Биз сўз юритаётган мақолада миллий қўшин масаласини ҳал қилиш орқали Туркистоннинг мустақил ва қудратли бўлиши мумкинлиги асосий ғоя сифатида илгари сурилган. Мақола муҳим сиёсий-иқтисодий аҳамиятга эга фикрларни жамлагани учун бугун ҳам аҳамиятини йўқотмаган.

АЗИЗ ХОТИРА

ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Қаландар Девонабоев – 1890 йили Андижон шаҳрида туғилган. "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси. Андижондаги мусулмон коммунистларига етакчилик қилган. 1918 йилдан совет идораларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган.

1920 йил 10–23 майда Андижонда Марказдан келган "Қизил Шарқ" номли тарғибот поезди ходимлари томонидан ҳибсга олинган. 1921 йили аксилинқилобий ҳаракатда айбланиб, суд-сўроқсиз отиб ташланган.

Зокиржон Насриддинов – 1904 йили Шаҳрихонда туғилган. Савдогарлик билан шуғулланган. "Жадид" ташкилоти аъзоси бўлгач партиядан ўчирилиб, қишлоқ совети раислигидан ҳам бўшатилган. Ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган.

Аксилинқилобий тарғибот олиб борганлик, халқ душманларини мақтаганлик, СССРдаги очарчилик тўғрисида миш-миш тарқатганлик, қишлоқ хўжалигида "зараркунандалик" қилганлик, пахта терими бўйича саботаж қилиб, 1937 йилги пахта режасини барбод этганликда айбланган.

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1938 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига кўра отувга ҳукм қилинган.

Қудратулла Юнусов – 1896 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Бутуниттифоқ китоб палатасида турк-татар тиллари бўйича таржимон, катта библиограф бўлган. Маълумоти олий.

1937 йил 27 августда Давлат хавфсизлиги комитети томонидан "Турк адами марказияти", "Иттиҳод ва тараққий" ва "Миллий иттиҳод" ташкилотларида фаолият кўрсатгани учун ҳибсга олинган.

"Миллий истиқлол"нинг Москвадаги филиали фаол аъзоси бўлганликда, совет аппаратини ёт унсурлар билан тўлдириш, ташкилот аъзоларини раҳбарлик лавозимларига қўйиш, 1931–1937 йилларда Москвада ўзбек талабаларини миллатчилик руҳида тарбиялаш ва янги алфавит комитетида "зараркунандалик" билан шуғулланганликда айбланиб, ЎзССР Жиноят кодексининг 63-, 58-, 64-моддалари билан ҳибсга олинган.

СССР Олий судининг 1938 йил 5 октябрда Тошкентда бўлиб ўтган сайёр сессиясида отувга ҳукм этилган.

1957 йил 1 августда реабилитация қилинган.

Саидносир Миржалилов – 1884 йили Туркистон шаҳрида туғилган. Ўз замонасининг илғор кишиларидан бўлган. Тошкентга келгач, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, ака-ука Норбековлар, Абдулҳамид Чўлпон билан яқин муносабатда бўлган. Туркистон шаҳрида биринчи бор жадид мактабини очган.

1914–1917 йилларда Туркистондаги кўзга кўринган бой ва савдогарлардан бири сифатида машҳур бўлган. Туркистон шаҳар думаси аъзоси. Саидносир Миржалилов икки юз минг рублдан ортиқ сармоясини Туркистон мухторияти ҳукумати учун ҳадя қилган, мухторият хазиначиси бўлган.

1925 йил 12 декабрда Тошкент шаҳар Тарновбоши маҳалласидаги хонадонида ҳибсга олинган. Соловецк оролларига сургун этилган. Уч йиллик қамоқ муддатини ўтаганидан кейин 1932 йили яна беш йил муддатга қамалган. 1937 йил 22 июлида такроран ҳибсга олиниб, ўша йилнинг 25 октябрида отилган.

Аҳмаджон Абдусаидов – 1878 йили Бухоро шаҳрида туғилган. "Жадидлик ҳаракати" ва "Ёш бухороликлар" фирқаси намояндаларидан бири, давлат ва жамоат арбоби бўлган. 1911–1913 йилларда Истанбулда таҳсил олган. 1920 йилда Бухоро ревкоми раиси, кейинроқ Бутунбухоро Марказий Ижроия Қўмитаси масъул котиби бўлган.

Сиёсий фаолиятини тўхтатиб, мактабда ўқитувчилик қилган ҳамда бадиий ижод ва публицистика билан жиддий шуғулланган. Ҳамдий тахаллуси остида шеърлар битган.

1937 йил 9 октябрда совет режими томонидан Тошкентда қамоққа олиниб, 14 октябрда Бўзсув соҳилидаги жарликда 59 ёшида отиб ташланган.

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори
Нигорахон АКБАРОВА,
тадқиқотчи

(Давоми келгуси сонда).

ЗОМИН – 2026

Дўстлик анжумани

Бу йил ҳаётим ва ижодимда янги саҳифа очилди. Чунки Ўзбекистонда анъанавий ўтказиладиган ёш ижодкорларнинг Зомин семинарига илк бор таклиф этилдик. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган анжуманда иштирок этиш биз – дунёнинг турли нуқталарида яшайдиган ва ўзбек тилида ижод қиладиган ватандошларнинг кўнглини осмон қадар юксалтирди.

Семинарда Ўзбекистоннинг барча ҳудудидан сараланган ижодкорлар билан бирга машғулотларда қатнашдик. Шу чоққача асарлари ёки ижтимоий тармоқдаги саҳифалари орқали таниш бўлган адиб ва шоирлар билан юзма-юз учрашдик. Замонавий адабиёт, бугунги ўқувчининг талаб ва таклифлари, сунъий интеллект ва шеърият каби мавзуларда фикр алмашдик, қимматли маслаҳатлар олдик. Тадбирлар якунида телефон хотирасида икки юздан ошиқ янги рақам пайдо бўлди.

Зоминга ватандош ижодкорларни таклиф этиш ғояси жуда яхши бўлибди. Чунки ўз давлатимизга қайтганимиздан кейин ўзбек адабиётини тарғиб-ташвиқ этиш, ўзбек тилида яратилган асарларни бошқа тилларга таржима қилиш, айни пайтда бошқа тиллардаги энг яхши асарларни ўзбек тилига таржима қилиш учун янада кўпроқ ҳаракат қиламиз.

Менинг эътиборимни, айниқса, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайриддин Султоннинг “Ялдо кечаси” асари ва унинг асосидаги саҳна кўриниши тортди. Янги асар ҳақида интернетда ўқиган эдим. Аммо муаллиф билан учрашиш бошқача кайфият бағишлади.

Биз шу аждодларга муносиб авлод, муносиб издош бўлиб, уларнинг ғояларини давом эттиришимиз керак. Зеро, жадидлар ҳаракати фақат миллий ёки минтақавий эмас, балки жаҳоний ҳаракатдир. Шу пайтгача маърифатдан бирон халқ зарар кўрмаган.

Биз, ватандош ижодкорлар бундан кейин алоқаларимизни янада жипслаштиришга, шунингдек, дўст Ўзбекистон билан риштани янада мустаҳкамлашга келишиб олдик. Бунинг учун бизни бирлаштирган Зомин семинари ташкилотчиларидан миннатдормиз.

Ўзбекистондан ташқарида яшаётган ўзбеклар учун маънавий озуқа манбаларидан бири “Jadid” газетаси эканини эътироф этмоқчиман. Биз тушимизга ҳам кирмаган маълумотларни, зўр-зўр мақолаларни шу газета сайтидан ўқиб бормоқдамиз. Бундан кейин ўзимиз ҳам таҳририятга мақолаларимиз, асарларимизни юбормоқчимиз.

Мен бирор-бир хорижий сафардан китобсиз қайтмаганман. Ва бу гал энг қувонарлиси, нодир бир бойлик – “Jadid” газетасида йил давомида чоп этилган энг яхши мақолалар тўпламини қўлга киритдим. “Тилда, фикрда, ишда бирлик!” деб номланган бу йилномани китоб дўконларидан топиб бўлмаслиги аниқ. Ана шундай хазинани қўлга киритиб, кўтаринки руҳ билан юртимизга қайтяпмиз. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг бундай хайрли ишлари бардавом бўлсин!

Озод МЕЛИБОЕВ,
Зомин семинари иштирокчиси,
Тожикистон Республикаси

Эврилиш

Намхуш сабо силар юзимни,
булбулларнинг ноласида дод.
Қўлларимда гўзал гулдаста,
чорлар эди бегона ҳаёт.

Бу йўллардан бораверибман,
ҳис қилмабман қайтмас эканин.
Ногаҳонда сафсар гулининг
юрагимга ботди тикани.

Бир лаҳзага эврилди борлиқ,
Боғда эдим, хаёлим гирён.
Гул деб тутсам қуёш рангида
Қўлларимдан тўкилди хазон.

Бобомурод РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Зомин семинари иштирокчиси
Қирғизистон Республикаси

Ғаройиб сир

– Асалим, она қизим,
Тилларинг бунча ширин?
Бол томар ҳар сўзингдан
Айтгин-чи, бунинг сирин.

– Ростин айтсам, ойижон,
Ширин бўлсин тилим деб,
Уйдаги конфетларнинг
Барисини қўйдим еб.

Дилнавоз АЛИБАЕВА,
Зомин семинари иштирокчиси
Қашқадарё вилояти

ЯНГИ НАШР

ТАЖРИБА МАҲСУЛИ

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида “Жамият ривожида таҳлилий жанрларнинг ўрни (спорт журналистикаси мисолида услубий қўлланма)” асари нашр этилди. Китоб муаллифи журналистика соҳасида қарийб эллик йиллик тажрибага эга бўлган таниқли ижодкор Ўктам Мирзаёрдир.

“Ушбу услубий қўлланмани ишлаб чиқиш хаёли анча вақтдан буён фикру зикримни банд этиб келаётган эди, – деб ёзади муаллиф. – Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раисининг ўринбосари сифатида фаолият юритган давримда уюшма қошида “Ёш журналистлар клуби”ни ташкил этганимиз ва эндиликда бу ғояларни амалиётга киритиш истаги каминага туртки берди”.

Қўлланма “Спорт журналистикасининг асосий хусусиятлари”, “Спорт журналистикасида таҳлилий жанрлар”, “Журналистикада танқид ва касб этикаси” сингари боблар ва хулосадан иборат. Китобга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, шоира Фарида Афрўз сўзбоши ёзган. Ҳар бўлим якунида аудиторияда ва мустақил бажариш учун вазифалар, маъруза юзасидан фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилиши талабалар билимини мустаҳкамлашда қўл келади.

Замонавий дизайнга эга китоб “Ижод Нашр” нашриётида чоп этилган.

Нигина ИСКАНДАРОВА

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

АЛИФБОМИЗ ИСЛОҲГА МУҲТОЖМИДИ?



Алифбо ислоҳидан ташвишланаётган ва бу таклифларни тўғри қарор деб ҳисобламайдиган юртдошларимиз кам эмас. Лекин аввалдан ноқулай, хатолари кўп алифбони қўллашда давом этиш, алифбо осонликча ёзилмагани, бехато ёзишга мос бўлмагани учун хато ёзувларни қабул қилишда давом этавериш ҳам яна ноўрин. Ниҳоят, кўп миллатдошларимиз қўллай олмаётган, мактаблардагина қоидалар бўйича ёзилиб ўргатилаётган, техника танимайдиган, тан олмайдиган, ҳуснихатда ҳам кўплаб тўхтамлар сабабли хатолар зиёд келиб чиқадиган, ҳақиқий ноширларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган алифбога ислоҳ киритилмоқда.

Ўзгаришлардан қўрқмаслик керак. Ислоҳ саводлиларни саводсиз қилиб қўймайди, аксинча, ҳушёр торттиради. Келажакда бу ислоҳдан катта натижалар кўрилади. Биз яқин 10-20 йилни эмас, минг йилларни ўйлашимиз, ҳисобга олишимиз зарур.

Алифбо фақат мактабда савод чиқариш учунгина даркор бўладиган белгилар йиғиндиси эмас. У инсоннинг бутун умри давомида билим олиши, фикрини равон ифодалаши ва замонавий ахборот маконида эркин фаолият юритиши учун ҳам хизмат қилади. Давлат қиёфасини белгилайди, унга оид барча маълумотларни қайд этишда зарур бўлади.

Ёзув такомиллашса, миллионлаган манбалар келажак авлодга бехато ва қулай кўринишда етиб боради. Ҳар бир ҳарфнинг аниқ ва қулай бўлиши китоб мутолаа қилишни, ҳужжатлар билан ишлашни, компьютер ва мобил қурилмаларда матн теришни енгиллаштиради. Шунингдек, изчил алифбо электрон қидирув тизимлари, сунъий интеллект, таржима дастурлари ва халқаро ахборот алмашинувида хатоларни камайтиради. Умуман, алифбо нафақат таълим воситаси, балки илм-фан, технология, маданият ва жамият тараққиётини таъминлайдиган муҳим пойдевордир.

Ислоҳнинг асосий мақсади ҳам алифбони халқаро стандартларга яқинлаштириш ва ёзишни соддалаштиришдир.

Муҳокама қилинаётган 4 та ҳарфни ёзишда кўп хатолар юзага келарди.

Амалдаги	Таклиф этилган
O‘	Ō
G‘	Ğ
Sh	Ş
Ch	Ç

“Sh” ва **“Ch”** икки ҳарфдан иборат. Компьютер уни икки алоҳида белги деб қабул қилади. Алифбо тартибида муаммолар туғилади. Қисқартма ва кодлашда ноқулай. Янги кўринишда бир товуш – битта ҳарф тамойилига мос келади. Афзаллиги – ёзиш қисқаради, алифбо изчил бўлади, компьютер қайта ишлаши, луғат тузиш осонлашади, паспорт ва халқаро базаларда хато камаяди.

Бугунги **“O‘”** ҳарфи аслида икки белгидан иборат: **“O + ‘”** Бу апострофнинг ўзи ҳам бир хил эмас. Интернетда: **` , ‘, ', '** каби турли белгилар ишлатилади. Масалан, **“O‘zbekiston”** қуйидагича ёзилиб келмоқда: **O‘zbekiston, O'zbekiston, O`zbekiston, Ozbekiston** ва ҳоказо. Қидирув тизими буларни ҳар доим ҳам бир хил деб қабул қилмайди. Янги кўриниш: **Ōzbekiston.** Афзаллиги: апостроф йўқолади, телефон клавиатурасида қулайроқ, қидирув тизимлари яхши ишлайди, домен номлари ва электрон почта ёзишда хатолар камаяди. **G‘** ҳам худди **O‘** каби.

Ng ҳарф-бирикмаси ҳам мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мавжуд эмас. Бир ҳарф алифбомиз қаторидан жой олиши учун у билан сўзлар бошланиши керак. **“Ng”**ни талаффуз қилувчиларнинг кўпчилиги бу бирикмани “менга, сенга” каби сўзлар таркибида ҳам мавжуд деб биладилар.

Ислоҳга умумий сабаблардан бири, бугунги кунда сунъий интеллект, қидирув тизимлари, таржимон дастурлар, электрон ҳукумат, маълумотлар базалари – барчаси ягона белгилар билан ишлашни афзал кўради. Турк, озарбайжон, туркман ва бошқа айрим туркий тиллар лотин ёзувида диакритик белгили (масалан **Ş, Ç, Ğ**) ҳарфлардан фойдаланади.

Алифбомиздаги энг ноқулай ва ўзаро ёзувларимизнинг катта қисмида қўлланмаётган белги – бу айнан апострофдир. Масалан, файл номларида, интернет манзилларида, дастурлашда, маълумотлар базаларида, электрон ҳужжатларда апостроф кўп ҳолларда нотўғри ишлайди ёки умуман қабул қилинмайди. Шунинг учун ягона ҳарф қўллаш техник жиҳатдан қулайроқ ҳисобланади.

Агар бу ўзгаришлар тўлиқ жорий этилса, савод чиқариш ва алифбо тартиби изчилроқ бўлади. Лотин ёзувидан фойдаланадиган бошқа туркий тиллар тажрибасига яқинлашилади. Янги дарсликлар ва ҳужжатларни мослаштириш харажатсиз бўлиши учун дарсликлар, ҳужжатлар фақат янгилаш муддати келгандагина ислоҳдаги алифбога ўтказилади, яъни ўзгаришлар босқичма-босқич амалга оширилади.

Ҳаммаси пухта ўйланган. Мутахассислар шу шаклда яхши бўлишини айтдиларми, уларга ишониш керак. Чунки улар бутун миллатимизга яхши бўлишини ўйлаганлар. Шу кундаги 30-40 йиллик авлод бир озгина қийналса ҳам, 4 та ҳарфни қайта ўрганса ҳам, ундан кейинги узоқ йилларга муносиб алифбо узатилгани маъқул.

Бир эътибор қилиб кўринг, телефонда хабар тераётганда бехато ёзаман, десангиз, апостроф ва тутуқ белгилари учун ҳарфлар саҳифасидан рақамлар саҳифасига ўтишингиз керак. Бу ҳам катта муаммо. Аксарият кишилар хабар йўллашда саҳифаларни алмаштириб ўтирмайди. Натижада **“Ozing borasanmi, vaqtim tigiz”** каби тарзда ёзилиб, етказилаверади. Мамлакат миқёсида саводнинг юқорилаб бормаслиги сабабларидан бири ҳам ана шудир.

Ўзбек матнларини технология ёрдамида овозлаштириш жараёнлари ва натижаларини кузатсангиз ёки агар матнни овозли хизматларга солсак, аҳвол жуда аянчли бўлади. “Alifbodagi ozgarishlar, belgilar yigindisi” деб ўқиб беради. Сиз ҳам бунга неча бора гувоҳ бўлгансиз. Буларнинг ҳаммаси нобоп алифбонинг хизмати.

Умуман, амалдаги алифбога ислоҳ жуда зарур эди. Шунинг учун бу ўзгаришларни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Маъмура ЗОҲИДОВА
Фейсбук

Jadid
adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Бош муҳаррир:
Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Адади – 18 501
Шундан:
Кирилл ёзувида – 6 912
Лотин ёзувида – 11 589
Медиа кузатувчилар – 85 424
Буюртма: Г – 739
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6

Масъул котиб: Шуҳрат Азизов
Навбатчи муҳаррир: Муҳайё Рустамова
Саҳифаловчилар: Эркин Ёдгоров, Нигора Тошева

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй
Телефонлар:
Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 20:00

Сотувда нархи эркин.

www.jadid.uz

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ
“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ